БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 55
24 АПРЕЛЬ
ШАНБА
1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Қишлоқ хўжалигининг ходимлари! Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини яқин икки-уч йил ичида етарли миқдорда қондириш ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноатини хомаш'ё блан та'минлаш учун, социалистик қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кучли суратда юксалтириш учун курашингиз! Мамлакатга кўпроқ ғалла, сут, гўшт, жун, пахта, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб берайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Чигит экишни тез ва сифатли тамомлаб, ғўза парваришини бошлаб юборайлик

Партия ва ҳукуматимиз пахтакорлар ҳақида ва қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари тўғрисида ҳамавақт оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг Туркманистон ССРда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги бугун э'лон қилинаётган қарори ҳам ана шу ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Областимизнинг айрим районлари чигит экишни тамомлаш олдида турибти. Илғор колхозлар, совхозлар чигитни қулай муддатларда экиб олдилар, кўпгина участкаларда уни текис ундирдилар ва ғўзанинг дастлабки парваришини бошлаб юбордилар. Бекободдаги 1-нчи «Далварзин» совхозининг кенг майдонларида қатор ораларини биринчи машиналар юмшатиб ўтди. Шу райондаги Дзержинский номли колхознинг юқори ҳосилли бригада ва звенолари ғўзанинг дастлабки парваришини бошлаб юбордилар. Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТС коллективи механизаторларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида илғорликни эгаллаш учун курашиб, кўкламги экиш юзасидан белгиланган топшириқни бажардилар. Шу МТС зонасидаги Охунбобоев номли колхознинг а'золари механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб, экишни барвақт тугалладилар. Шу кунларда бу колхознинг а'золари ҳамма майдонда чигитни биртекисда ундириб олиб, ғўзанинг дастлабки парваришини май ойининг биринчи ўн куни ичида тамомлашга қарор қилдилар.

Областимизнинг илғор пахтакорлари Майолди Мусобақасига қўшилиб, партиямиз чақириғига жавобан чигит экишни тезроқ тугаллаш ва ҳамма майдонларда уни биртекис ундириб олиш учун курашаётирлар. Бу ишларни муваффақиятли бажаришда барча имкониятларга эгамиз. Броқ, айрим район партия совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва МТСларнинг раҳбарлари бу имкониятлардан тўла фойдаланмаётирлар. Ўртачирчиқ, Пискент, Бўка, Мирзачўл районларида кўкламги ишларнинг сур'ати ниҳоятда паст. Бирқанча МТС лар, трактор бригадалари, колхоз ва совхозлар об-ҳаво жуда яхши бўлган кунларда ҳам белгиланган графикни бажармаётирлар.

МТС ва совхозларда тракторларнинг бир кеча-кундуздаги иш унуми ҳали ҳам паст. Трактор бригадаларининг тунги иши айниқса ёмон уюштирилган. Энг катта камчилик шундаки, ерларни экишга тайёрлашда колхоз ва совхозлардаги от-уловлардан етарли фойдаланилмаётир. Ер бурчакларини ҳайдаш, бороналаш ва молалашда бемалол ишлатилиши мумкин бўлган ана шу кучлар ўрнига ҳам машиналар банд қилинмоқда. Бу нарса трактор парки иш унумининг паст бўлишига, ер ҳайдаш ва чигит экишнинг кечикишига сабаб бўлмоқда.

Кўпгина район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, машина-трактор станциялари ва совхозларнинг директорлари, колхоз правлениеларининг раислари далачилик ишларида юз берган қийинчиликларни енгиш, меҳнат унумини ошириш учун курашга қишлоқ меҳнаткашларини сафарбар этиш, механизмлар ва моддий-техника ресурсларидан моҳирлик блан фойдаланиш, ишда қат'иятлик, ишчанлик, ташкилотчилик ва юксак интизом намуналарини кўрсатиш ўрнига, об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб турганлигини баҳона қилиб, ишни яхшилаш чораларини кўрмаётирлар. Хотиржамлик, беparволик бизга ётдир. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органининг раҳбар ходими ишнинг боришини доим контроль қилиши, ҳарбир колхоз, совхоз ва МТСда меҳнатни пухта уюштириш учун курашиши, ҳарқандай шароитда ҳам чигит экишни тез ва юқори сифатли ўтказиш чораларини кўриши, омманинг ижодий ғайрат ва ташаббусини кучайтириш йўлида зўр фаолият кўрсатиши лозим.

Ишчи кучларни, механизмларни ва бошқа воситаларни иш жойига тўғри тақсимлаш, барча трактор бригадаларининг ишини икки сменада ташкил этиш, машиналарнинг нормал ишлаши учун зарур бўлган ёнилғи, мойлаш материаллари ва бошқа нарсаларни ўз вақтида етказиб бериш лозим. Бу ишларни уюштиришда райкомларнинг МТС зоналаридаги секретарьлари, колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотлари зиммасига катта мас'улият тушади. Партия ташкилотлари кўкламги экиш ишларининг бориши устидан кундалик контроль ўрнатишлари, барча ишлабчиқариш воситаларидан тўла фойдаланиш ва чигит экишни тезда юқори сифатли қилиб тамомлаш юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилиши учун колхоз, совхоз ва МТС раҳбарларига нисбатан талабчанликни оширишлари керак.

Экиш даврида сиёсий-оммавий агитация ишларининг савиясини юксак даражага кўтариш айниқса муҳим. Бизнинг агитациямиз жанговар, изчил, кишиларни янги ишларга руҳлантирувчи бўлиши лозим.

Ҳозирги пайтда экишнинг сифатига алоҳида э'тибор бериш керак. Аммо, айрим жойларда агротехника қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари юз бермоқда. Ховос районидаги Каганович номли, Октябрь районидаги Хрушчев номли, Андреев номли, Юқоричирчиқ районидаги «Париж Коммунаси» колхозларида ерлар ниҳоятда саёз ҳайдалган, чигит бир текисда, бир хил чуқурликда ва тўғри экилмаган. Иш сифатини бузиш ҳолларига қат'ий барҳам бериш керак. Ҳамма жойда чигитни яхши ишланган ерларга экмоқ лозим.

Агротехниканинг прогрессив усулларини, илғорларнинг иш тажрибаларини колхоз ва совхозларнинг ишлабчиқаришига жорий этиш, шу кеча-кундузда чигит экишни юқори сифатли ўтказиб, уни бир текис ундириб олишда чинакам ташкилотчи бўлиш — агрономнинг бурчидир. Агроном чигитнинг текис ва тўғри экилишини, механизмларнинг соз ишлашини, уруғлик сарфлаш юзасидан белгиланган нормаларга риоя қилинишини ва бошқа ишларнинг боришини доим назорат қилиб туриши лозим.

Чигит экиш — кўкламги далачилик ишларининг бошланғичидир. Қаторларга уруғликни тикиб кетиш блан иш битмайди, балки ҳарбир участкадаги чигитлар бир текисда ундириб олингандагина экишни тамомланган деб ҳисобламоқ керак. Шунинг учун ҳам чигит экиш ва уни ундириб олиш ишлари бир-бири блан маҳкам боғлаб олиб борилиши лозим. Экилгандан кейин чигитнинг униб чиқишини доимо кузатиб туриб, ғўзаларнинг сийрак бўлиб қолиш хавфининг олдини олиш учун хато чиққан жойларга дарҳол қўшимча экиш ёки кўчат қилиш зарур.

Бу йил Москвада очиладиган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун мусобақа қизиб кетди. Ана шу мусобақада областимизнинг илғор пахтакорлари ҳам актив қатнашишлари лозим. Виставкада қатнашиш ҳуқуқини олиш даставвал пахтадан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришга, жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажаришга, ниҳоят қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда юксак кўрсаткичларга эришишга боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Кўкламги экишни муваффақиятли тугаллаб, мўл ҳосил учун мустаҳкам асос яратиш — виставкада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш йўлидаги курашимизнинг дастлабки натижаси бўлади.

Илғорларнинг прогрессив иш методлари чигитни тезда ва юқори сифатли экиб олиш учун ҳамма имконият борлигини кўрсатди. Вазифа—барча район, колхоз ва совхозларда экишни тезда тугаллаб, уни биртекисда ундириб олишдан, ҳарбир гектар ерда белгиланган миқдорда ғўза тупларининг бўлишига эришишдан ва ғўза парваришини қизғин бошлаб юборишдан иборатдир.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетида

Туркманистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети шуни та'кидлаб ўтадиларки, давлат томонидан катта ёрдам берилаётганлиги ҳамда колхозчиларнинг ва МТС ишчиларининг меҳнат соҳасидаги активликлари натижасида Туркманистон ССР колхозларида пахта етиштириш кейинги йилларда анча кўпайди ва 1953 йилда урушдан аввалги даражадан 45 процент ошди.

Кўпгина колхозлар мавжуд механизация воситаларидан, пахтачиликдаги илғор иш тажрибаларидан ва қишлоқ хўжалик фани муваффақиятларидан моҳирлик блан фойдаланиб, ҳарбир гектар ердан 30—35 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ пахта ҳосили олмоқдалар.

Шу блан бирга СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун республиканинг колхозларида мавжуд бўлган катта имкониятлардан ҳали ҳам фойдаланилмаётир, деб ҳисоблайдилар.

Туркманистон ССР Министрлар Совети ва Туркманистон КП Марказий Комитети пахта ҳосили юзасидан белгиланган планларни ҳамма колхозларнинг бажаришларига эришганлари йўқ, Тошовуз областининг колхозларида пахта ҳосили айниқса паст.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети ҳисоблайдиларки, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Туркманистон ССР Министрлар Совети ва Туркманистон КП Марказий Комитети республикада сув хўжалиги қурилишига тегишинча э'тибор бермаётирлар, бунинг натижасида давлат томонидан шу мақсадларга ажратилаётган маблағлардан тўла равишда фойдаланилмай келади, Тошовуз ва Чоржўй областьларида ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш ишлари етарли даражада олиб борилмаётир, Қорақум канали қурилиши секин сур'атлар блан олиб борилмоқда.

Машина-трактор станцияларида тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш ишида катта камчиликлар бор. Пахта териш машиналаридан жуда қониқарсиз фойдаланилмоқда.

ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Туркманистон ССРда пахтачиликни янада ривожлантиришга жиддий аҳамият бериб, **қарор қиладилар:**

1. Туркманистон ССР Министрлар Совети ва Туркманистон КП Марказий Комитетининг Туркманистон ССРда 1955 йилда пахта етиштиришни 405 минг тоннагача ва 1958 йилда 621 минг тоннагача етказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Шунга мувофиқ, Туркманистон ССРнинг колхоз ва совхозларида чигит экиш, пахта ҳосили ва чигитли пахтанинг ялпи маҳсулоти бўйича қуйидаги топшириқлар белгилансин.

	1955 йил	1958 йил
Пахта майдони (минг гектар ҳисобида)	180	230
Шу жумладан: ингичка толали пахта майдони	65	85
пахта ҳосили (гектаридан центнер ҳисобида)	22,5	27,0
шу жумладан: ингичка толали пахта ҳосили	21,0	24,0
чигитли пахтанинг ялпи маҳсулоти (минг тонна ҳисобида)	405,0	621,0
Шу жумладан: ингичка толали пахта (минг тонна ҳисобида)	136,5	204,0

2. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Туркманистон ССР Министрлар Советига ва Туркманистон КП Марказий Комитетига Қорақум канали қурилишини амалга ошириш ва суғориладиган ерлар майдонини 1958 йилда 1953 йилдагига нисбатан 112 минг гектар кенгайтириш имкониятини та'минлайдиган бошқа сув хўжалик ишларини ўтказиш, бунинг учун суғориш тормоқлари бўлгани ҳолда суғориладиган экинлар учун фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириш ва келгуси икки йил ичида 99 минг гектар ерни ўзлаштиришни та'минлайдиган ишларни қилиш мажбурияти юклатилсин, шу жумладан областьлар бўйича:

а) Мари областида — Қорақум канали ва Сариёз сув омбори қурилиши муносабати блан, шунингдек суғориш тормоқлари бўлгани ҳолда фойдаланилмай келаётган ерларни ўзлаштириш муносабати блан — 100 минг гектар кўпайтирилсин;

б) Чоржўй областида — Қорақум канали қурилиши, мавжуд суғориш системалари реконстуркция қилиниши ва суғориш тормоқлари бўлгани ҳолда фойдаланилмаётган ерларни фойдаланиш муносабати блан 48 минг гектар кўпайтирилсин;

в) Тошовуз областида — Совет—Ёп суғориш системаси реконструкция қилиниши ва суғориш тормоғи бўлгани ҳолда фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириш муносабати блан 53 минг гектар кўпайтирилсин;

г) Ашхобод областида — иккинчи Тажан сув омбори қурилиши ва ертаги сувларидан фойдаланиш муносабати блан 10 минг гектар кўпайтирилсин.

3. Туркманистон ССР Министрлар Совети ва Туркманистон КП Марказий Комитети, Туркманистон ССР колхозлари ва колхозчиларининг сув хўжалиги тадбирларини амалга оширмоқ учун ушбу қарорда кўрсатилган ишлар қимматининг 40 процентини колхозларнинг маблағларини кенг суратда жалб қилиш йўли блан бажариш тўғрисидаги таклифи ма'қуллансин.

Қорақум канали қурилиши тўла равишда давлат ҳисобига қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, сув хўжалиги қурилишида ва суғориладиган ерларни ўзлаштиришда колхозлар томонидан қўшиладиган хиссанинг миқдори қишлоқ хўжалик артели а'золарининг умумий йиғилишларида белгиланиши ва сўнгра колхозлар томонидан бу тўғрида қабул қилинган қарорлар ҳарқайси колхознинг хўжалик аҳволини ҳисобга олиб, область ижроия комитетлари томонидан тасдиқланиши лозим, лекин бу ҳиссанинг миқдори колхозларнинг бўлинмас фондларидаги пул маблағларининг 25 — 30 процентидан ошиқ бўлмаслиги керак.

4. «Туркменгидрострой» тресты ташкилотларининг Сариёзсув омбори қурилишида бевосита ишлаётган ходимларига СССР Министрлар Советининг 1951 йил 8 майдаги 1514 сонли қарорида белгиланган имтиёзлар, истесно тариқасида, жорий қилинсин.

5. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва Туркманистон ССР Министрлар Советига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) Туркманистон ССРда 1956 йилда сув хўжалиги қурилишидаги ер ишларини ва колхозлараро суғориш ҳамда зовур тормоқларини тозалаш ишларини механизациялаш даражаси 90 процентгача етказилсин;

б) 1954—1956 йилларда Чоржўй ремонт-экскаватор заводи ҳузурида 500 килограмм хажмли электр печи бўлган пўлат эритиш цехи, землясослар қурадиган ва ремонт қиладиган затон, Тошовуз шаҳрида марказий районлараро ремонт ишхонаси ва 1954—1955 йилларда Саёт, Калинин; Карки ва Мари машина-экскаватор станциялари ҳузурида ремонт ишхоналари қурилсин;

в) 1954—1957 йилларда Чоржўй ремонт-экскаватор заводи ва машина-экскаватор станциялари учун 20 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой, 6 клуб, 7 болалар боқчаси ва яслилари қурилсин;

г) Ашхобод шаҳрида ер қазиш механизмларида ишлайдиган малакали ишчилар тайёрлаш учун 200 кишилик ўқув ишлабчиқариш комбинати қуриб биткавилсин;

д) суғориш системаларида колхозларга сув тақсимлайдиган тўғонлар ва сувни тўғри ўлчаб ва тақсимлаб берадиган иншоотлар қурилиши 1956 йилгача тамомлансин;

е) 1954—1956 йилларда Туркманистон ССРнинг суғориш системаларида 1000 километр узунлигида телефон линиялари, шунингдек сув хўжалиги эксплуатация хизмати органларининг ходимлари учун 10 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилсин ҳамда 1958 йилда барча суғориш системаларини телефонлаштириш иши тўла равишда тамомлансин;

ж) 1954—1956 йилларда Туркманистон сув хўжалик об'ектлари ва қишлоқ электростанцияларини проектлаш институти учун идора бинолари ҳамда уй-жой бинолари қурилсин;

з) 1954 йилнинг биринчи ярмида Совет—Ёп суғориш системасини қайтадан қуриш юзасидан проект топшириқлари ва 1956 йилгача Қорақум каналининг иккинчи навбатини қуриш юзасидан проект топшириқлари тузилсин.

6. Туркманистон ССР сув хўжалиги министрлигининг суғориш системалари бошқармаларига колхозлардаги ички хўжалик суғориш шохобчаларини ҳамда гидротехника иншоотларини қайта қуриш ва ишлашга техника жиҳатидан раҳбарлик қилиб туриш, шунингдек сувдан фойдаланувчи хўжаликларнинг суғориш учун ажратилган сувдан тўғри фойдаланишларини контроль қилиб туриш вазифаси юклатилсин.

Бу ишларни амалга оширмоқ учун ҳар 2—3 колхозга хизмат кўрсатадиган биттадан гидротехник бўлишини кўзда тутиб, суғориш системалари бошқармаларининг штатларига қўшимча равишда участка гидротехниклари вазифаси киритилсин.

Колхозларда суғориш учун ажратилган сувлардан фойдаланишга раҳбарлик қилиш машина-трактор станцияларининг агрономларига юклатилсин.

7. Суғориш системалари бошқармаларининг, районлараро каналларнинг ва гидроузелларнинг ходимларига СССР Министрлар Советининг 1951 йил 29 сентябрьдаги 3688-нчи сонли қарорида МТС ходимлари учун белгиланган ставкаларга ҳамда кўп йил хизмат қилганлиги учун тўланадиган устама ҳаққа мувофиқ равишда вазифа окладлари ва кўп йил хизмат қилинганлиги учун процентли устама ҳақ белгилансин.

8. Бошқа министрликлардан ва идоралардан Туркманистон ССР сув хўжалиги ташкилотларида ишлаш учун ўз хоҳиши блан ўтаётган ёки ўтказилаётган ҳамма ходимларнинг узлуксиз меҳнат стажи сақлансин.

9. Суғориш системалари бошқармалари ҳузурида ёрдамчи — кўмакчи ишлабчиқаришлар — ремонт мастерскойлари, тахта тиладиган установкалар, дурадгорлик мастерскойлари, бетон буюмлар ясайдиган мастерскойлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилсин, шунингдек мазкур бошқармалар ҳузурида ремонт—қурилиш ишчиларининг доимий бригадалари тузилиб, шу бригадалар ва техника ходимларини сақлаш харажатларини ремонт ва қурилиш ишлари сметаси ҳисобига ўтказилсин.

10. Туркманистон ССР Министрлар Совети ва Туркманистон КП Марказий Комитетининг лозим бўлиб қолган тақдирда суғориш системалари бошқармаларида суғориш системаларидан фойдаланиш ва уларнинг техника ҳолатини яхшилаш бўйича проект-қидирув ишларини бажармоқ учун проект группалари ташкил қилиш ва уларни сақлаш харажатларини Туркманистон ССРдаги сув хўжалик тадбирлари учун қилинадиган операцион харажатлар ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

11. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига 1954 йилда олий ўқув юртларини ва техникумларни битириб чиқаётган мутахассислардан Туркманистондаги сув хўжалиги органларида ишлаш учун 15 инженер-гидротехник, 10 инженер-механик ва 100 техник-гидромелиоратор юбориш мажбурияти юклатилсин.

12. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Туркманистон ССР Министрлар Советига ва Туркманистон КП Марказий Комитетига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) пахтачиликдаги қуйидаги ишлар: ер ҳайдаш, экиш олдидан ерни ишлаш, ўғит солиш, чигит экиш, қатқалоқни юмшатиш, ғўзани культивация қилиш, суғориш эгатлари олиш, вақтинча ариқлар олиш, ариқларни ва полларни текислаш, машина блан терилган пахтани тозалаш ҳамда кўрак чувиш, шунингдек ғўзапояларни йиғиштириб олиш ишларини механизациялаш 1955 йилда тугаллансин;

б) очилмаган кўракларни териб олишни механизациялаш 1958 йилда тугаллансин ва очилган пахталарни машина блан териб олиш даражаси шу муддатгача 70 процентга етказилсин.

в) машина-трактор паркидан, айниқса пахта териш машиналаридан кўпроқ фойдаланилсин, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш, техника кўригидан ўтказиш ва сақлаш яхшилансин, ғўза қатор ораларини ишлашни комплекс механизациялашга асосланган ва шу ишларга сарфланадиган меҳнатни янада камайтиришга қаратилган янги агротехника усулларини кенг жорий қилиш та'минлансин.

13. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) 1954 йилда Туркманистон ССР МТСлари ва сув хўжалик ташкилотлари учун 294 та трактор, 39 та экскаватор, 41 та скрепер, 32 та бульдозёр, 16 та гредер, 229 та юк автомобили, 68 та енгил автомобиль, 33 та автобензин цистернаси, 33 та кўчма мастерской, 55 та бензин заправшчиги ва ушбу қарорда кўзда тутилган бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда ускуналари ажратилсин;

б) 1954 йилда Туркманистон ССР колхозлари учун 84,4 минг тонна азотли ва 80,8 минг тонна фосфорли минерал ўғит, шу жумладан йилнинг биринчи ярмида 31,9 минг тонна азотли ва 50,6 минг тонна фосфорли минерал ўғит ташиб келтириш та'минлансин.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Москва меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган куннинг 84 йиллигини нишонладилар

22 апрельда совет халқи Коммунистик партия ва Совет давлатининг гениал асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 84 йиллигини нишонлади.

«Серп и молот», «Динамо» заводларида, Киров номли заводда, Дзержинский номли «Трёхгорная мануфактура» комбинатида ва пойтахтдаги бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ўқув юртларида коммунистлар улуғ партияси тўғрисида, В. И. Ленин тўғрисида суҳбатлар ўтказилди. Ишчилар хизматчилар, ўқувчи ёшлар суҳбат вақтида совет халқининг коммунизм қурилишида Коммунистик партия раҳбарлиги остида эришган буюк муваффақиятлари тўғрисида, ленинизм идеяларининг тантанаси ҳақида гапирдилар.

Кеча москвалилар ва пойтахтга келган меҳмонлар Ленин яшаган ва ишлаган жойларга экскурсия қилдилар. В. И. Ленин музейида бирнеча минг киши бўлди. Меҳнаткашлар китобга ёзиб қолдирган хатларида Владимир Ильичга самимий муҳаббатларини, Лениннинг ўлмас идеяларига садоқатларини изҳор қилдилар. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўртоқ Р. Алимовни Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министри қилиб тайинлаш тўғрисида

Ўртоқ Раҳматулла **Алимов** Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри. 1954 йил 23 апрель.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

С. Д. Кузнецов ва М. С. Тихопой ўртоқларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССР ёғ саноатидаги кўпйиллик ва самарали ишлари учун Ўзглаврасмасло бош бухгалтери ўртоқ Семен Дмитриевич **Кузнецов** ва Фарғона ёғ-мой комбинатининг бош бухгалтери Михаил Семенович Тихопой ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотлансинлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри, 1954 йил 21 апрель.

Миллатлар Советининг 1954 йил 22 апрельдаги мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

22 апрельда, кундуз соат 4 да, Кремльда, Катта Кремль Саройида Миллатлар Советининг учинчи мажлиси очилди.

Миллатлар Советининг Раиси депутат **В. Т. Лацис** раислик қилади.

Мажлисда СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар давом этди.

Музокараларда депутат Н. Додхудоев (Тожикистон ССР, Кўктош округи), депутат **К. Г. Писин** (РСФСР Тоғли Олтой округи), депутат **М. З. Азизов** (Татаристон АССР, Янги-Чашма округи), депутат **Б. Овезов** (Туркманистон ССР, Красноводск округи), депутат **Б. П. Бешчев** (РСФСР, Челябинск округи), депутат **Ю. И. Палецкис** (Литва ССР Ионишкис округи), депутат **С. Г. Я. Рагимов** (Озарбайжон ССР, Геокчай округи), депутат **М. Г. Бараташвили** (Грузия ССР, Хашур округи), депутат **А. А. Мюрисен** (Эстония ССР, Раквере округи) депутат **М. Д. Ковригина** (Коми АССР, Инта округи), депутат **В. Ф. Купревич** (Белоруссия ССР Горки округи) сўзладилар.

Шу блан Миллатлар Советининг учинчи мажлиси ёпилади.

Миллатлар Советининг 1954 йил 23 апрельдаги мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

23 апрельда, эрта блан соат 10 да, Кремльда, Катта Кремль Саройида Миллатлар Советининг тўртинчи мажлиси очилди.

Миллатлар Совети Миллатлар Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат **И. Д. Назаренконинг** Миллатлар Совети депутатлари ваколатларини текшириш ҳақидаги докладини эшитди.

Ўртоқ **Назаренко** 639 сайлов округи бўйича Миллатлар Совети депутатларининг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисида Миллатлар Совети Мандат комиссиясининг чиқарган қарорини ўқиб берди:

«Миллатлар Советининг Мандат комиссияси Миллатлар Советига сайлов бўйича ҳарбир депутат ҳақида Марказий сайлов комиссияси томонидан тақдим этилган барча сайлов ҳужжатлари ва материалларини текшириб чиқиб, қуйидагиларни аниқлади:

1. Барча сайлов округларида Миллатлар Советига депутатлар сайлови СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга асосан ва уларга тамомила мувофиқ суратда ўтказилган.

2. Сайлов округларида ҳам Марказий сайлов комиссиясида ҳам бирор сайлов округида сайловларни бекор қилиш учун ҳечқандай асос йўқ, шунингдек Миллатлар Советига депутатлар сайлаш бўйича СССР Конституциясининг ёки СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомнинг бузилганлиги тўғрисида ҳечқандай шикоят ва ариза йўқ.

Миллатлар Советининг Мандат комиссияси юқорида баён қилинганларга биноан, Марказий сайлов комиссиясида рўйхатга олинган Миллатлар Совети барча депутатларининг ваколатини тўғри деб топиш ҳақидаги таклифни Миллатлар Советининг тасдиқига тақдим этади. Бу депутатларнинг рўйхати «Известия» газетасининг 1954 йил 18 мартда чиққан 66-нчи сонида э'лон қилинган».

Миллатлар Совети депутат **И. С. Кодициннинг** таклифи блан Мандат комиссиясининг доклади юзасидан қуйидаги қарорни қабул қилди:

«Миллатлар Совети Мандат комиссиясининг докладини эшитиб, **қарор қилади:**

1. 639 сайлов округининг ҳаммасида сайланган ва СССР Олий Советига сайлов ўтказган Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Миллатлар Совети депутатларининг ваколати СССР Конституциясининг 50-нчи моддасига асосан, Мандат комиссиясининг тақдимига мувофиқ, тўғри деб топилсин.

2. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига сайлов ўтказган Марказий сайлов комиссиясининг иши тамом бўлган деб ҳисоблансин».

Шундан кейин СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар давом этди.

Музокараларда депутат **Ш. М. Арушанян** (Арманистон ССР, Ереван-Молотов округи), депутат **А. И. Козлов** (Қозоғистон ССР Павлодар округи), депутат **Т. К. Мальбахов** (Кабарда ССР, Баксан округи), депутат **И. И. Туряница** (Украина ССР, Ужгород округи), депутат **Р. Г. Васильев** (Ёқутистон АССР, Усть-Майский округи), депутат **М. Абдураззоқов** (Ўзбекистон ССР, Тошкент-Киров шаҳар округи) депутат **В. П. Лецис** (Латвия ССР, Ленин округи), депутат **Г. Ф. Александров** (Ўзбекистон ССР, Самарқанд шаҳар округи), депутат **Г. А. Мартинов** (Чувашистон АССР, Вурнари округи) сўзладилар.

Шу блан Миллатлар Советининг тўртинчи мажлиси ёпилади.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетида

Туркманистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

14. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва Туркманистон ССР Министрлар Советига пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилишни Туркманистон ССРнинг ҳамма пахтакор колхозларида 1954 йилда тамомлаш ва 1957 йилда уларни тўла ўзлаштиришни таʼминлаш мажбурияти юклатилсин.

15. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва Туркманистон ССР Министрлар Советига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) 1955—1958 йилларда янги ўзлаштирилаётган ерларда 10 та машина-трактор станцияси ташкил қилинсин ва улар учун зарур бўлган ишлабчиқариш бинолари ва уй-жойлар ҳамда маданий-маиший эҳтиёжларга хизмат қиладиган бинолар қурилсин;

б) 1954 — 1956 йилларда мавжуд МТСларда ва ихтисослаштирилган станцияларда 35 та ремонт мастерскойи, тракторларни сақлаш учун 70 та гараж, комбайнлар ва пахта териш машиналарини сақлаш учун 70 та сарой, қишлоқ хўжалик машиналарини сақлаш учун 122 та айвон, шунингдек 12,07 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой ва ётоқхоналар қурилсин;

в) 53 та МТС электрлаштирилсин ва уларда водопровод ҳамда энг оддий канализациялар қурилсин;

г) Тошовуз, Чоржўй, Мари ва Ашхабод ремонт заводларини ҳамда Тижан районлараро капитал ремонт мастерскойини реконструкция қилиш 1957 йилда тамомлансин, шунингдек 1955—1957 йилларда Каркида районлараро янги капитал ремонт мастерскойи қурилсин;

д) МТСларни мустаҳкамлаш учун 1954 йилда Туркманистон ССРга бошқа республикалардаги олий ўқув юртларини битирувчилар орасидан 20 инженер-механик ва 50 зоотехник юборилсин.

16. СССР Совхозлар министрлигига ва Туркманистон ССР Министрлар Советига 1957—1959 йиллар мобайнида Қорақум каналидан сув ичадиган ерлар зонасида жамʼи 10—12 минг гектар пахта майдони бўлган 3 та пахтачилик совхози ташкил қилиш мажбурияти юклатилсин.

17. Олий таʼлим министрлигига ва Туркманистон ССР Министрлар Советига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) М. И. Калинин номидаги Туркманистон Қишлоқ хўжалик институтида мутахассислар тайёрлаш кенгайтирилсин, 1954 йилда бу институтга студентлар қабул қилиш контингенти 400 кишигача етказилсин;

б) М. И. Калинин номидаги Туркманистон қишлоқ хўжалик институти учун 1954—1956 йилларда бу институт қурилиши юзасидан тасдиқланган асосий сметага мувофиқ ўқиш корпуслари, ётоқхоналар, ўқув мастерскойлари, лабораториялар ва профессор-ўқитувчилар составы учун уй-жой бинолари қуриш таʼминлансин.

в) М. И. Калинин номидаги Туркманистон қишлоқ хўжалик институтига 1954—1955 йилларда лабораториялар ва мастерскойлар учун энг янги асбоб-ускуналар, шунингдек жадвалга мувофиқ типовой асбоб-ускуналар, тракторлар, қишлоқ хўжалик ва ер қазиш машиналари ажратилсин.

18. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва Туркманистон ССР Министрлар Советига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) 1954/55 ўқув йилида Туркманистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг техникумларига ўқувчилар қабул қилиш контингенти 1140 киши миқдорида белгилансин;

б) 1954 йилда Ашхабод шаҳрида қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми ташкил қилинсин, уни зарур ўқув базаси блан таʼминлансин;

в) 1954—1956 йилларда техникумлар учун ҳарбири 600 кишилик 5 та ўқув корпуси, 2 та ўқув мастерскойи, 1200 киши учун ётоқхоналар ва ўқитувчилар учун 1500 квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилсин.

19. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Меҳнат резервлари Бош бошқармасига Туркманистон ССРда қишлоқ хўжалигини механизациялаш юзасидан иккита янги билим юрти ташкил қилиш, шундан биттасини 1955 йилда Тошовуз областида ва биттасини 1956 йилда Мари областида ташкил қилиш мажбурияти юклатилсин.

Туркманистон ССР Министрлар Совети шу мақсад учун зарур бинолар ажратсин.

20. СССР Министрлар Советининг 1953 йил 19 февральдаги 517 сонли қарорига қўшимча равишда 1955—1958 йиллар учун Туркманистон ССРда хўжаликларни кўчириш юзасидан қуйидаги имтиёзлар белгилансин:

а) янги суғориладиган ерларга планли тартибда кўчириладиган хўжаликлар учун қуриладиган уйлар ва ҳовли бинолари қимматининг 35 проценти давлат бюджети ҳисобига ўтказилсин;

б) янги ерларда ташкил қилинган колхозларда Туркманистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган планда ва титуль рўйхатларида кўзда тутилган йўлларни, кўприкларни ва сув блан таʼминлайдиган манбаʼларни қуриш юзасидан бўлган харажатлар давлат бюджети ҳисобига ўтказилсин.

21. СССР Министрлар Советининг 1953 йил 19 февральдаги 517 сонли қарорида кўзда тутилган имтиёзлар Туркманистоннинг 1955—1958 йилларда планли тартибда битта маʼмурий район доирасида янги суғориладиган ерларга кўчириладиган колхозлари ва колхозчиларига ҳам жорий қилинсин.

22. СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1940 йил 19 июньдаги 1047 сонли қарорининг 13-нчи моддасида кўрсатилган тартиб, яʼни суточний тўлаш ўрнига иш ҳақига қатʼий ставканинг 50 проценти миқдорида устама ҳақ тўлаш тартиби Туркманистон ССРнинг 1955—1958 йилларда планли тартибда янги суғориладиган ерларга кўчириб келтириладиган хўжаликлар учун уй-жойлар қуришда бевосита ишлаётган инженер-техник ходимларга ҳам жорий қилинсин.

23. Нефть саноати министрлигига 1955 йилда Тошовуз шаҳрида темир йўл нефть базаси қуриш ва 1955 йилги планда Тажан нефть базасида темир йўл тупики қуриш масаласини кўриб чиқиш мажбурияти юклатилсин.

24. СССР Кенг истеʼмол саноат моллари министрлигига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) 1956—1958 йилларда Туркманистон ССРда 5 та пахта тозалаш заводи, шундан Тошовуз ва Ашхабод областьларида 1957 йилда ишга тушириш шарти блан 2 та пахта заводи, Тошовуз, Чоржўй ва Мари областьларида 1958 йилда ишга тушириш шарти блан 3 та пахта заводи қурилсин;

б) 1954—1955 йилларда Иолотан ва Байрамали пахта тозалаш заводлари реконструкция қилинсин ҳамда республиканинг ҳамма мавжуд заводларида уруғлик чигитни дорилайдиган цехлар қурилсин;

в) 1955—1957 йилларда 34 та пахта тайёрлаш пункти қурилсин, шундан 9 таси 1956 йилда ва 25 таси 1957 йилда ишга туширилсин;

г) ҳамма пахта тайёрлаш пунктларини электрлаш ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш 1956 йилда тамомлансин, шу жумладан 1954 йилда 21 пунктда, 1955 йилда 30 пунктда ва 1956 йилда 20 та пахта тайёрлаш пунктида бу иш тамомлансин;

д) 1954—1956 йилларда пахта тайёрлаш пунктларида пахта лабораториялари қурилсин ва колхоз пахта лабораторияларини зарур лаборатория ускуналари блан таʼминлашда колхозларга ёрдам берилсин:

е) пахтани ва уруғлик чигитларни сақлаш учун 1955—1958 йилларда 1 миллион 500 минг кубометр ҳажмли складлар қурилсин, шу жумладан 1955 йилда 200 минг кубометр ҳажмда ва 1956 йилда 300 минг кубометр ҳажмда склад, шунингдек ишлаб турган ҳамма пахта заводларида пахта тозалаш цехлари (бундай цехлар бўлмаган тақдирда) қурилсин;

ж) 1955—1958 йилларда пахта тайёрлаш пунктларининг пахта бунт қиладиган майдонлари ва территорияларида 600 минг квадрат метр жойга, шу жумладан 1955 йилда 100 минг квадрат метр жойга ва 1956 йилда 100 минг квадрат метр жойга тош ёки асфальт ётқизилсин.

25. СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлигига 1955 йилда Чоржўй шаҳрида ёғ заводи қуришга киришиш ва уни 1957 йилда тамомлаш мажбурияти юклатилсин.

26. Транспорт ва оғир машинасозлик министрлигига 1954 йилда Қорақум канали қурилиши учун СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қуйидагиларни етказиб бериш мажбурияти юклатилсин:

а) 4000 киловатт қувватга эга бўлган энергопоезд;

б) КДМ — 46 маркали 20 та трактор мотори.

27. Денгиз ва дарʼё флоти министрлигига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) Амударʼё ҳавзасида бўлган «Сормовец» типидаги 2 та дизельлик землесосни Қорақум канали қурилиши учун СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига бепул топширилсин;

б) 1954 йилда ўз заводларида Каракумводстрой учун 100—35 типидаги 4 та землесос қурилсин ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига етказиб берилсин.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ана шу землесосларни қуриш учун зарур материал ва ускуналар ажратсин;

в) қисмларга ажратилган ҳолда бўлган сузучи электростанция корпуси СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига топширилсин ва Каракумводстрой блан шартнома тузиб, бу корпусни йиғиш учун Хўжайли заводидан зарур миқдорда малакали котельшчиклар ва электросварщиклар ажратилсин.

28. Машинасозлик министрлигига Қорақум канали қурилиши учун 1954 йилда СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига 10 та ЯАЗ автомобиль мотори етказиб бериш мажбурияти юклатилсин.

29. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) 1954 йилда Қорақум канали қурилишига 40 инженер-гидротехник ва 10 инженер-механик, шунингдек ФЗТ мактабларини ва ҳунар билим юртларини битириб чиқувчилардан 300 ғишт терувчи ва 350 дурадгор ҳамда уюшган тартибда ишга олиш йўли блан 1000 ишчи юборилсин;

б) 1954 йилда Қорақум канали қурилишида малакали ишчи-механизаторлар тайёрлаш учун 200 кишилик ўқув-ишлабчиқариш комбинати ташкил қилинсин;

в) Қорақум канали қурилиши учун белгиланган «Бокау—Вольф» маркали 2 двигатель бу қурилишга топширилсин;

г) Султон—УИЗ—Даг тош кони хўжалигидан ҳарбири 500 квт қувватга эга бўлган учта паротурбинали электростанция 1954 йил 1 майдан кечикмай Қорақум канали қурилишига топширилсин.

30. Туркманистон ССР Министрлар Совети ва Туркманистон КП Марказий Комитетининг Қорақум канали қурилиши учун 1954 йилда Туркманистон ССР аҳолисидан тасдиқланган планга қўшимча равишда уюшган тартибда 1000 ишчини ишга олиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

31. СССР Фанлар Академиясига Мурғоб ва Тижан воҳаларида Қорақум каналидан сув ичадиган 400 минг гектар ерда тупроқ-мелиорация сʼемкалари ўтказиш юзасидан 1954—1955 йилларда қилинадиган ишларни бажаришда Туркманистон ССР Фанлар академиясига методик ёрдам кўрсатиш мажбурияти юклатилсин.

32. Геология ва ер ости бойликларини сақлаш министрлигига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) Қорақум каналидан суғориладиган ерларда 1954 — 1955 йилларда 1:100000 масштабида гидрогеология сʼемкаси қилинсин, Мурғоб воҳасида 300 минг гектар ерда ва 1954 — 1956 йилларда Тижан воҳасида 300 минг гектар ерда гидрогеология сʼемкаси ўтказилсин;

б) 1954 — 1955 йилларда Мурғоб воҳасида еросты сувларини стационар усулда кузатиш ишлари давом эттирилсин ва 1954 йилдан бошлаб Тижан воҳасида ер ости сувларини кузатиб туриш иши ташкил қилинсин;

в) Туркманистон геология бошқармасига 1954 — 1956 йилларда Ашхабод областида ер ости сувларини аниқлаш мақсадида 64 жойда разведка—эксплуатация қудуқлари пармалаш вазифаси юклатилсин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисида

Миллатлар Совети бюджет комиссиясининг Раиси А. М. САФРОНОВнинг қўшимча доклади

Депутат ўртоқлар! Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети 1954 йилги Давлат бюджетини совет халқининг сиёсий руҳи ғоят кўтарилган ва меҳнат соҳасидаги активлиги янада зўр куч блан юксалиб бораётган вазиятда муҳокама қилмоқда.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг Ватанимизни коммунизм қуриш йўлидан оғишмай олға ҳаракат қилдиришга қаратилган сиёсатини амалга ошириш учун сидқидил блан курашмоқдалар.

Ҳукумат томонидан сизларнинг муҳокамангизга ва тасдиқингизга тақдим этилган Давлат бюджети Совет давлатининг қудратини ва Ватанимиз хавфсизлигини янада мустаҳкамлашни, СССР халқ хўжалигини янада зўр куч блан юксалтиришни ҳамда совет халқининг фаровонлигини систематик равишда оширишни зарур маблағлар блан тўла равишда таʼминлайди.

СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджетининг умумий ҳажми даромадлар бўйича 571,8 миллиард сўм ва харажатлар бўйича 562,7 миллиард сўм миқдорида белгиланади, даромадлар харажатларга қараганда 9,1 миллиард сўм миқдорида ошиқ қилиб белгиланган.

Узлуксиз ривожланиб бораётган социалистик хўжалик СССР Давлат бюджети даромадларининг асосий манбаидир. Бу йил бюджетга саноатдан, қишлоқ хўжалигидан ва халқ хўжалигининг бошқа тормоқларидан келадиган тушумлар 497 миллиард сўмга етади ёки барча даромадларнинг 86,9 процентини ташкил қилади. Бу тушумлар ўтган йилдагига қараганда 36,6 миллиард сўм ошиқ бўлади. Давлат корхоналарининг ва хўжалик ташкилотларининг оладиган фойдаларидан бюджетга чиқариладиган ажратмалар бўйича даромадларни энг кўп кўпайтириш кўзда тутилмоқда, бу эса ишлабчиқаришнинг кенгайиб бораётганлиги ва молия хўжалигининг мустаҳкамланаётганлигини кўрсатади.

Социалистик хўжаликдан келадиган даромадлар тўхтовсиз ўсаётгани ҳолда бюджетга аҳолидан тушаётган даромадлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. 1954 йилда аҳолидан олинадиган солиқлар бюджет даромадлари умумий миқдорининг фақат 8 процентинигина ташкил қилади. Аҳоли тўловларининг систематик равишда камайтирилаётганлиги партия ва ҳукуматнинг халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётганлигини ифодалаб беради.

Халқ хўжалигини пул блан таʼминлаш учун бўладиган харажатлар 216,3 миллиард сўм миқдорида, хўжаликларнинг ўз маблағлари блан қўшиб ҳисоблаганда эса 326,7 миллиард сўм миқдорида белгиланган, ёки 1953 йилнинг дастлабки якунларига нисбатан 19,8 процент ошади. Оғир саноатнинг етакчи тормоқларига сарфланадиган капитал маблағлар бюджетда 90 миллиард сўмдан ошиқроқ миқдорда белгиланади.

Давлатнинг бюджет ҳисобидан ҳам, шунингдек хўжаликларнинг ўз ресурслари ҳисобидан ҳам қишлоқ хўжалигига қиладиган сарфлари 74,4 миллиард сўмни ташкил қилади ва ўтган йилги харажатлардан 22,1 миллиард сўм миқдорида ошиқ бўлади. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасида бу йил учун белгиланган жуда катта ишлар программасини бажаришга зарур маблағлар ажратилади.

Озиқ-овқат моллари ва кенг истеʼмол моллари саноатига сарфланадиган капитал маблағлар кўпайтирилади. Бу мақсад учун 14 миллиард сўм — ўтган йилдагига қараганда деярлик икки баравар кўп маблағ ажратилади.

Социал-маданий тадбирлар учун қилинадиган харажатлар 141,3 миллиард сўм миқдорида — 1953 йилдагига қараганда деярлик 10 процент кўп белгиланди.

Шундай қилиб, ССР Иттифоқининг 1954 йилги Давлат бюджетидан хўжалик ва маданий қурилишга 357,6 миллиард сўм ёки ҳамма маблағларнинг 63,5 проценти сарфланади.

СССР Мудофаа министрлиги сметаси бўйича сарфланадиган маблағлар 100,3 миллиард сўм миқдорида белгиланди. Мудофаага қилинадиган сарфларнинг бюджетдаги салмоғи камайтирилади ва 1954 йилда 17,8 процентни ташкил қилади. Бу нарса Совет давлатининг Совет Иттифоқи ҳукумати томонидан изчиллик блан ўтказилаётган тинчлик сиёсатини акс эттиради.

Давлат бошқармаси органларини таʼминлаш учун бўладиган сарфлар ҳам камайтирилади.

Иттифоқчи республикаларнинг 1954 йилги бюджетлари 119,5 миллиард сўм миқдорида, яʼни ўтган йилдагига қараганда 13 процент ошиқ қилиб белгиланди. Партия ва ҳукуматнинг Совет Иттифоқи республикаларини хўжалик ва маданий жиҳатдан янада юксалтириш тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлиги иттифоқчи республикалар бюджетларининг ўсаётганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Иттифоқчи республикалар 1953 йилда халқ хўжалигини ва социалистик маданиятни ривожлантиришда янги жиддий муваффақиятларга эришдилар. Бизнинг мамлакатимизда халқлар дўстлиги—Совет давлати қудратининг ва енгилмас кучининг негизи янада кўпроқ мустаҳкамланди. Иттифоқчи республикалар хўжалигини ва маданиятини ривожлантиришдаги муваффақиятлар, халқлар дўстлигининг мустаҳкамланганлиги — Совет Иттифоқи халқларини битта қардош оила қилиб жипслаштирган Коммунистик партия доно миллий сиёсатининг натижасидир.

Депутат ўртоқлар! Бюджет комиссияси СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисобини кўриб чиқди ва бюджет партия ҳамда ҳукуматнинг социалистик саноатни янада ривожлантириш тўғрисидаги директиваларига ва халқ хўжалик планига мувофиқ тўғри тузилган деб ҳисоблайди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сентябрь ва февраль-март Пленумлари томонидан ўртоқ Н. С. Хрушчёв докладлари бўйича қабул қилинган қарорларидан келиб чиқадиган тадбирлар учун керакли харажатлар бюджетда тўла равишда ҳисобга олинган. Шунингдек кенг истеʼмол молларининг давлат чакана нархларини урушдан кейинги йилларда яна 7-нчи марта камайтирилганлиги ҳам ҳисобга олинган, чакана нархларнинг бундай камайтирилиши аҳолининг бир йилда 20 миллиард сўмлик манфаат кўришини таʼминлайди.

Бюджет комиссияси Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларига доир материалларни текшириб чиққанлиги ва ҳисобларни аниқлаганлиги натижасида, бюджетга киритиладиган баʼзи бир тузатишлар тўғрисидаги таклифларни сизларнинг муҳокамангизга тақдим қилади. Даромадларни 759,5 миллион сўм миқдорида кўпайтириш, шу жумладан: оборотдан олинадиган солиқ бўйича 57 миллион сўм миқдорида, фойдалардан чиқариладиган ажратмалар бўйича 190,5 миллион сўм миқдорида, йиғимлар ва солиқлардан бошқа ҳархил даромадлар бўйича 12 миллион сўм миқдорида ҳамда Давлат заёмлари бўйича 500 миллион сўм миқдорида кўпайтириш таклиф қилинади. Давлат заёмлари бўйича бундай тузатишнинг киритилишига сабаб шуки, аҳолининг омонат кассаларига қўяётган маблағлари тўхтовсиз кўпаймоқда, бу эса мамлакатимизда халқ фаровонлигининг тўхтовсиз ошиб бораётганлигини кўрсатади.

СССРнинг собиқ Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш министрлиги икки министрликка бўлинганлиги ва уларнинг даромадлар ҳамда харажатлар баланси аниқланганлиги сабабли Тайёрлаш министрлигига чиқариладиган маблағни 36,7 миллион сўм миқдорида камайтириш ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига бериладиган маблағларни шу миқдорда кўпайтириш тўғрисида таклиф киритилади. Бундан ташқари, иттифоқчи республикаларнинг бюджетлари бўйича ажратиладиган маблағларни 108 миллион сўм миқдорида кўпайтириш, шу жумладан: халқ маорифига ва маданий-оқартув ишларига — Ўзбекистон ССР бўйича 8 миллион сўм миқдорида, Озарбайжон ССР бўйича 7 миллион сўм миқдорида, Молдавия ССР бўйича 10 миллион сўм миқдорида, Қирғизистон ССР бўйича 4 миллион сўм миқдорида, Тожикистон ССР бўйича 9 миллион сўм миқдорида ва Арманистон ССР бўйича 3 миллион сўм миқдорида; соғлиқни сақлаш ишларига — Ўзбекистон ССР бўйича 13 миллион сўм миқдорида, Озарбайжон ССР бўйича 3 миллион сўм миқдорида; маҳаллий Советларнинг уй-жой фондини капитал ремонт қилишга — Белоруссия ССР бўйича 15 миллион сўм миқдорида, Ўзбекистон ССР бўйича 20 миллион сўм миқдорида, Тожикистон ССР бўйича 3 миллион сўм миқдорида, Арманистон ССР бўйича 1 миллион сўм миқдорида; шунингдек йўлларни ремонт қилиш ва сақлашга Қозоғистон ССР бўйича 12 миллион сўм миқдорида кўпайтириш таклиф қилинади.

Бюджет комиссиясининг тузатишларини ҳисобга олиш блан СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджетини: даромадлар бўйича 572.542,3 миллион сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 562.801,9 миллион сўм миқдорида, яʼни даромадларни харажатлардан 9.740,4 миллион сўм миқдорида ошириб тасдиқлаш таклиф қилинади.

Депутат ўртоқлар! Халқ хўжалик планини ва 1954 йилги Давлат бюджетини муваффақиятли бажариш учун хўжаликдаги мавжуд ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш, социалистик хўжаликнинг ҳамма тормоқларида меҳнат унумини тинмай ошириш лозим.

Ўтган йил саноатдаги меҳнат унуми 1952 йилга нисбатан олти процент ошди. Броқ, меҳнат унумини ошириш планини бирқанча министрликлар тўла бажармадилар. Баʼзи министрликлар маҳсулот таннархини камайтириш топшириқларини ҳам тўлдириб бажармадилар. Шу жуда муҳим кўрсаткичлар бўйича СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги кейинда қолмоқда. Шу министрликнинг корхоналаридан 1953 йилда 45 проценти меҳнат унумини ошириш топшириғини ва 56 проценти маҳсулот таннархини камайтириш топшириғини бажармай қолди. Кўпгина заводлар бир меʼёрда ишламади ва маҳсулотнинг асосий қисмини ойнинг охирига бориб берадиган бўлиб қолди. Маҳсулотнинг брак бўлиши натижасида 55 миллион сўм ва унумсиз харажатлар натижасида 72 миллион сўм исроф бўлган. Бунинг натижасида маҳсулот таннархининг 258 миллион сўм миқдорида қимматланиб кетишига йўл қўйилди.

Ўтган йил СССР Ўрмон ва қоғоз саноати министрлиги ишлабчиқариш планини ҳамда меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш топшириқларини бажармади. Министрликнинг ёғоч тайёрлаш корхоналари ҳамда фабрика-завод саноати шу йилнинг биринчи кварталида ҳам қониқарсиз ишлади. Бу нарса ўрмон саноатининг ишларини қайта қуриш ҳали ҳам суст бораётганлигини кўрсатади. Министрлик ишлабчиқариш новаторларининг ва илгор корхоналарнинг тажрибаларини етарлик равишда ёймаётир. Ҳолбуки, унинг системасида бундай корхоналар оз эмас. Масалан, «Комилес» комбинатининг Кайгород ўрмон хўжалиги 1953 йилда ўрмонлардан ёғочларни ташиб олиш планини 103 процент, меҳнат унумини ошириш планини 129 процент бажарди, маҳсулот таннархини 9,9 процент камайтирди ва пландан ташқари 681 миллион сўм тежади. СССР Ўрмон ва қоғоз саноати министрлиги халқ хўжалиги учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ёғоч тайёрлаш саноатидаги қолоқликни тугатиш тўғрисида партия ва ҳукумат томонидан берилган директиваларнинг тезроқ бажарилишини таʼминлаши лозим.

Бизнинг мамлакатимизда жуда катта капитал қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Давлат бунинг учун катта маблағлар ажратмоқда ва бу маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланишни, қурилиш қимматининг муттасил камайтирилишини талаб қилмоқда. Кўпгина қурилиш ташкилотлари бу талабни бажармаётирлар. Механизмлардан ҳали ҳам ёмон фойдаланилмоқда, бинокорлик материали тежаб-тергаб сарф қилинмаётир, устама харажатлар ҳали ҳам кўп. Қурилиш қимматини камайтириш топшириқлари 1953 йилда бажарилмасдан қолди, бирқанча жойларда эса қурилиш ишларининг қимматланиб кетишига йўл қўйилди.

Кўмир шахталарини ва қурилиш материаллари саноати корхоналарини қуришда анчагина маблағ ошиқча сарф қилиб юборилди, бу эса, қурилиш ишларининг СССР Кўмир саноати министрлиги бўйича 6,7 процент ва Қурилиш материаллари саноати министрлиги бўйича 6,6 процент қимматлашиб кетишига сабаб бўлди.

СССР Қурилиш министрлигининг кўпгина қурилиш ташкилотлари қурилиш-монтаж ишлари ҳамда саноат ва уй-жой қурилиш обʼектларини битказиб ишга солиш планларини, шунингдек қурилиш таннархини камайтириш топшириқларини бажармади.

Бу фактлар кўпгина корхоналарнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари маҳсулот таннархини камайтиришга ва қурилиш қимматини камайтиришга ҳали ҳам зарур даражада эʼтибор бермаётганликларини кўрсатади.

СССР Олий Советининг бешинчи сессиясида ўртоқ Г. М. Маленков вазифа — маҳсулот таннархи масалаларига менсимаслик блан қарашга хотима беришдан, таннархини систематик равишда камайтиришни таʼминлашдан ва ҳарқайси корхонанинг рентабель бўлишига эришишдан иборатдир, деб айтган эди. Министрликлар, хўжалик ташкилотлари ва корхоналар шу кўрсатмаларни қатʼий равишда бажаришлари зарур.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати оғир индустрияни янада ўстириш асосида енгил ва озиқ-овқат саноатининг ҳамма тормоқларида ишлабчиқариш қувватларини қисқа муддат ичида анча кўпайтириш вазифасини қўйдилар.

1953 йилда бизнинг мамлакатимизда аҳоли учун моллар ишлаб чиқарадиган 300 га яқин янги давлат саноат корхоналари ишга солинди. Шунга қарамай, капитал қурилиш плани Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги бўйича 15,3 процент миқдорида ва Кенг истеʼмол саноат моллари министрлиги бўйича 9,6 процент миқдорида бажарилмасдан қолди.

Аҳолининг кенг истеʼмол молларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида шу министрликлар 1954 йилда қурилиш планини бажариш ва янги корхоналарни ўз вақтида битказиб ишга солишни таʼминлаш учун ҳамма чораларни кўришлари лозим.

Кўмир саноати министрлиги 1952 йилда янги уй-жой биноларини, касалхоналарни ва болалар ясилларини қуриб битказиш ва ишга солишни кечиктириб юбораётганлиги СССР Олий Советининг бешинчи сессиясида айтиб ўтилган эди. Броқ, 1953 йилда ҳам шу министрлик корхоналарида уй-жой биноларини қуриб битказиш ва ишга солиш плани фақат 92 процент, болалар ясилларини қуриб битказиш плани 60 процент, даволаш муассасаларини, болалар боқчаларини ва пионер лагерьларини қуриб битказиш ҳамда ишга солиш плани 72 процент бажарилди.

СССР Совхозлар министрлиги совхозларда мактабларни қуриб битказиш ва ишга солиш планини 66 процент, касалхоналарни қуриб битказиш ва ишга солиш планини 67 процент ва болалар ясилларини қуриб битказиш ва ишга солиш планини 55 процент бажарди.

Бюджет комиссияси Кўмир саноати министри ўртоқ Засядько ва Совхозлар министри ўртоқ Козлов маданий-маиший қурилишни кучайтириш чораларини кўришлари лозим, деб ҳисоблайди.

Бизнинг мамлакатимизда совет савдоси муваффақият блан ривожлантирилмоқда. Ўтган йилда аҳолига мол сотиш кўпайди. Шу жумладан, энг яхши сортдаги бўлган ва энг юқори сифатли молларни сотиш анча кўпайди. Савдо ташкилотларида муомала чиқимлари 1952 йилга нисбатан камайди. Броқ, кўпгина маҳаллий савдо ташкилотлари муомала чиқимларини камайтириш планини бажармадилар.

Муомала чиқимларининг ҳали ҳам анча катта бўлаётганига асосий сабаблардан бири шуки, молларни ташиб беришни ташкил қилишда жиддий камчилик бор. Молларни бевосита магазинларга жўнатиш ўрнига, кўпинча савдо ташкилотларининг складларига ташиб борадилар. Молларни муқобил ташиб боришга кўп йўл қўйилмоқда, бу эса, молларни истеʼмолчига етказишни секинлаштириб юборади ва транспортни ортиқча банд қилиб қўяди.

Савдо ташкилотларининг ходимлари бу камчиликларни йўқотишлари лозим. Улар истеʼмолчиларнинг талабларини яхшироқ ўрганишлари ва қондиришлари, хилма-хил ассортиментдаги ва юқори сифатли моллар чиқаришни кўпайтириш мақсадида мол етказиб берувчи ташкилотларга янада қаттиқроқ талаблар қўйишлари лозим.

Маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари совет савдосини янада авж олдиришда ва совет истеʼмолчисига хизмат кўрсатишни яхшилашда савдо ташкилотларига бутун чоралар блан ёрдам кўрсатишлари керак.

1953 йилда халқ хўжалик плани топшириқларини кўпгина темир йўллар, Йўллар министрлигининг қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналари бажармадилар, бунинг натижасида Давлат бюджети фойдалардан чиқариладиган ажратмалар бўйича 760 миллион сўм кам даромад олди.

Денгиз ва дарʼё флоти министрлиги Бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини 244 миллион сўм миқдорида кам бажарди. Юк ташиш таннархини қимматлаштириб юборганликлари ва ўринсиз харажатлар бўлганлиги сабабли баʼзи пароходчиликлар зарар етказди. Министрлик денгиз ва дарʼё транспортидан қониқарсиз фойдаланмоқда, кемаларнинг бекор туриб қолишига йўл қўймоқда, кемаларни ремонтда узоқ вақт тутиб турмоқда, бу эса давлат маблағларининг ортиқча сарф қилинишига сабаб бўлмоқда. Министрликнинг ўзида ҳам молия интизомига риоя қилинмаётганлигига эʼтибор бериш зарур. 1953 йилда министрлик марказий аппаратини таʼминлаш сметаси 1.284 минг сўм миқдорида ошириб юборилди, ортиқча харажатларни қоплаш учун министрлик қарамоғидаги корхоналарнинг маблағларидан пул олинди. Бу хилдаги практика министрлик қарамоғидаги ташкилотлар учун яхши ўрнак бўлмайди.

Бюджет комиссияси Денгиз ва дарʼё флоти министри ўртоқ Шашков қолоқ корхоналарнинг ишларини яхшилаш ҳамда давлат маблағларини сарфлашда интизомга қаттиқ риоя қилиш чораларини кўриши керак, деб ҳисоблайди.

Халқ хўжалигини янада ривожлантиришга катта маблағлар сарфланиши блан бирқаторда, Давлат бюджети бўйича социал-маданий тадбирларга кўпгина маблағ ажратилмоқда. Бу маблағларнинг анчагина қисми иттифоқчи республикаларнинг бюджетлари бўйича сарфланади.

Бюджет комиссияси шу нарсани мамнуният блан қайд қиладики, халқ маорифига, соғлиқни сақлашга ва бошқа социал-маданий тадбирларга ажратилган маблағлар иттифоқчи республикаларнинг кўпчилигида 1952 йилдагига қараганда 1953 йилда яхшироқ ўзлаштирилди. Айни вақтда Туркманистон ва Тожикистон республикаларида ўмумий таʼлим мактабларини ва болалар муассасаларини кўпайтириш плани бажарилмаганлиги сабабли бу маблағлардан қониқарсиз фойдаланилди. Шу нарсани айтиб ўтиш кераки, Туркманистон ССР нинг Министрлар Совети ва Тожикистон ССРнинг Министрлар Совети мактаблар учун ажратилган маблағлардан бирқанча йиллардан бери тўла фойдаланмасдан келмоқдалар. Бундай аҳволга айниқса ҳозир, партия ва ҳукумат катта шаҳарларда еттийиллик мажбурий таʼлимдан ўнйиллик мажбурий таʼлимга ўтишни ҳозирги бешйилликнинг охиригача тугаллаш ва келгуси бешйилликда ёппасига умумий ўрта таʼлимга ўтиш учун шароит тайёрлаш вазифасини қўйиб турган бир пайтда, тоқат қилиб туриш мумкин эмас.

Партия ва ҳукумат давлат аппаратининг ҳамма звеноларидаги ишларни қатʼиян яхшилашни ва давлат аппаратини сақлашга сарфланадиган харажатларни камайтиришни талаб қилмоқдалар. Броқ, баʼзи ташкилотлар бу масалага етарлик эʼтибор бермаётирлар. Муассасаларнинг структураси ва штатларида ошиқчаликлар ҳали ҳам оз эмас. Масалан, СССР Қурилиш министрлигида 514 та майда структура бўлимлари, шу жумладан, биттадан тўрттагача ходим ишлайдиган 194 та бўлим ва сектор бор. Қирғизистон ССР Маданият министрлигининг штатида 37 та бошқарма ва бўлим бошлиқлари мансаби, идора ходимлари ва хизматчилар учун 62 та мансаб (шу жумладан, енгил автомобиль учун 10 та шофер) тасдиқланган, ва фақат 37 та мутахассислик вазифаси тасдиқланган. Шу нарсани кўрсатиб ўтиш кераки, Қирғизистон ССР Министрлар Совети ортиқча харажатларга йўл қўяётган бўлса ҳам, республика бюджетининг даромад қисмини бажаришни икки йилдан бери таʼминламаётир.

Молия министри ўртоқ Зверевнинг докладида келтирилган фактлар ва бюджет комиссиясининг сизларга айтиб ўтган мулоҳазалари кўпгина корхоналар ва ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятида ҳали ҳам жиддий камчиликлар борлигини кўрсатади. Бу эса, молия органлари ва кредит муассасалари зиммасига хўжалик планларининг бажарилиши ҳамда иқтисодий тежашга риоя қилиниши устидан контрольликни кучайтириш мажбуриятини юклайди.

Бу ишда ҳарбир ташкилотнинг ва корхонанинг ўзидаги молия контролининг муҳим роли бор. Аммо, баʼзи министрликларда бу контрольлик етарлик равишда амалга оширилмаётир ва бирқанча ҳолларда бу иш расмиятчилик асосида ўтказилмоқда. Корхоналарни ва ташкилотларни ҳар йил ҳужжатлар асосида ревизия қилиш тўғрисида ҳукумат томонидан чиқарилган қарор бажарилмаётир. Масалан, СССР Алоқа министрлиги 1953 йилда ўзига қарашли 1469 корхонада ревизия ўтказмади. Ревизия материалларини амалга ошириш узоқ вақтларгача тўхтаб қолмоқда. Чунончи, СССР Нефть саноати министрлиги 20 корхонада ўтказилган ревизиялар юзасидан тегишли қарорни орадан 2—3 ой ўтказиб қабул қилди, 4 та корхонада ўтказилган ревизия бўйича эса тегишли қарорни ревизия тамом бўлгандан кейин уч-тўрт ой ўтгач қабул қилди. Мутлақо равшандирки, контрольнинг бу тариқа бўлиши яхши натижалар бериши мумкин эмас. Министрликлар ўзларига қарашли корхоналарда ички молия контроли ишларини қатʼиян яхшилаш чораларини кўришлари лозим.

Депутат ўртоқлар! ССР Иттифоқининг 1954 йилги Давлат бюджети совет халқининг ҳаётий манфаатларига мос келади. Даромадларнинг тўла равишда тушувини таʼминлаш, планда кўрсатилган тадбирларни ўз вақтида маблағ блан таʼминлаш ва давлат маблағларини сарфлашда қаттиқ иқтисодий тежашга риоя қилиш учун ҳамма чораларни кўриш зарур.

Давлат бюджетини муваффақиятли бажариш учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Партия ва ҳукумат томонидан мамлакат олдига қўйилган жуда катта вазифалардан илҳомланган совет халқи ватанпарварлик ғайрати блан тўлиб-тошиб, севикли Ватаннинг бахт-саодати йўлида янада зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилишга интилмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлиги остида бизнинг халқимиз ўз олдида турган вазифаларни муваффақият блан бажаради ва коммунизм қуриш улуғ ишида янги ажойиб ғалабаларга эришади! (Қарсаклар).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисида

Иттифоқ Совети бюджет комиссиясининг раиси депутат И. С. СЕНИНнинг қўшимча доклади

Депутат ўртоқлар! СССР Олий Советининг бешинчи сессиясидан кейин ўтган даврда мамлакатимизнинг халқлари Коммунистик партия ва Совет Ҳукуматининг раҳбарлиги остида хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришдилар. Социалистик экономика асосларининг асоси бўлган оғир индустрия ўтган йили муваффақиятли суратда ривожланди. Бешинчи бешйиллик учинчи йили топшириқларининг бажарилиши натижасида 1953 йилда бутун саноат маҳсулотининг ҳажми урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан икки ярим баравар ошди. СССРнинг миллий даромади шу давр ичида икки мартадан зиёд кўпайди.

Халқ хўжалигининг ўсиши асосида меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада ошириш соҳасида ҳам анча муваффақиятларга эришилди. Ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи ортди, колхозчиларнинг даромадлари кўпайди.

Ватанимизнинг меҳнаткашлари ўзларининг бутун куч ва ижодий ғайратларини Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга сафарбар қилмоқдалар. Бу сиёсат оғир индустриянинг зўр бериб ривожлантирилишини ва шу асосда халқ хўжалигидаги барча тормоқларнинг юксалтирилишини, социалистик давлат қудратининг тобора оширилишини ва унинг мудофаа қувватининг мустаҳкамланишини та'минлайди.

Партия ва Ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш соҳасидаги тадбирлар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 1954 йилги Давлат бюджети проектида ўзининг тўла ифодасини топди. Бу проект СССР Министрлар Совети томонидан Олий Советнинг тасдиқига тақдим этилди.

1954 йилги Давлат бюджети халқ хўжалиги планига тамомила мувофиқдир. Бу бюджет саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, социалистик маданиятнинг ҳамма соҳаларини янада ривожлантириш, мамлакатнинг мудофаа қувватини тобора мустаҳкамлаш, совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини кўтариш учун зарур маблағлар чиқаришни кўзда тутади.

Халқ хўжалигини ривожлантириш учун Давлат бюджетидан ва корхоналарнинг ўз маблағларидан 326,7 миллиард сўм ёки 1953 йилдагига нисбатан 19,8 процент кўпроқ пул сарфланади. Ана шу суммадан оғир индустрияни янада ўстиришга, металлургия, энергетика, кўмир саноатини, машинасозликни ва оғир саноатнинг бошқа тормоқларини ривожлантиришга кўп маблағ ажратилади.

1954 йилда оғир саноатга чиқариладиган капитал маблағ ўтган йилдагига нисбатан 12,5 процент ортади ва 90 миллиард сўмни ташкил этади. Оғир индустрияни ривожлантириш учун кўп маблағ ажратилиши кўмир, нефть, пўлат, прокат, электр қуввати, машина-ускуналарни ва маҳсулотнинг бошқа турларини янада кўпроқ ишлаб чиқаришни та'минлайди.

Партия ва ҳукумат яқин икки-уч йил ичида халқ исте'моли моллари ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтириш вазифасини қўйди. Шу вазифага мувофиқ, бюджетда қишлоқ хўжалигига, енгил ва озиқ-овқат саноатига чиқариладиган маблағларни анча кўпайтириш кўзда тутилади.

1954 йилда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга чиқариладиган маблағ ўтган йилдагига нисбатан 42,4 процент ортади ва бу маблағлар қишлоқ хўжалигининг барча тормоқларини кескин суратда ривожлантириш, ғалла, сабзавот, техника экинлари ва чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ тайёрлаш, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳақида КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорларида, Партия ва Ҳукуматнинг қарорларида кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга сарф қилинади.

Халқ исте'моли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилишига Давлат бюджетидан 14 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади. Бу эса 1953 йилда шу ишларга сарфланган маблағлардан қарийб икки марта ортиқдир.

1954 йилда уй-жой қурилишига бюджет маблағлари ва давлатнинг бошқа маблағларидан 25,5 миллиард сўм ажратилади. 1953 йилда уй-жой қурилишига 19,4 миллиард сўм чиқарилган эди.

Бюджетда социал-маданий тадбирларга 141,3 миллиард сўм ёки 1953 йилдагидан қарийб 10 процент кўпроқ маблағ чиқариш кўзда тутилади. Маориф, соғлиқни сақлаш, социал-та'минот ишларига сарф қилинадиган маблағларнинг тобора ортаётганлиги Партия ва Ҳукуматнинг халқ бахт-саодати тўғрисида, совет кишиларининг маданий савиясини тўхтовсиз ошириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилаётганликларини ёрқин ифода этади.

1954 йилги Давлат бюджети мамлакатимизнинг мудофаа қувватини янада мустаҳкамлашни тўла та'минлайдиган миқдорда маблағ чиқаришни кўзда тутади. Шу блан бирга, бу йил мудофаа ишларига чиқариладиган маблағ бюджетда кўрсатилган барча харажатларнинг 17,8 процентини ташкил этади.

Юқорида келтирилган рақамлар Совет Иттифоқининг бюджети тинч қурилиш бюджети эканлигини, бу бюджет Совет давлатининг халқ хўжалигини ривожлантиришга ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини кўтаришга, уларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга, халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган сиёсатини ифода қилаётганлигини яққол исбот этади.

Аввалги йиллардагидек 1954 йилда ҳам Давлат бюджети даромадларининг асоси социалистик корхоналар ҳамда ташкилотлардан олинадиган тушумлардан иборат бўлди. Бундай даромадлар кўпайиб бормоқда ва бюджетдаги барча даромадларнинг 86,9 процентини ташкил этади, ҳолбуки аҳолидан олинадиган солиқлардан келадиган тушумлар бюджет даромадларининг атиги 8 процентини ташкил этади ва бундай тушумлар ўтган йилдагига нисбатан камайиб бормоқда.

Бюджет комиссияси СССР Давлат бюджетини, министрликлар, идораларнинг даромадлари ва ҳаражатлари балансларини ҳамда сметаларини, шунингдек иттифоқчи республикаларнинг бюджетларини кўриб чиқди ва СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджетини СССР Министрлар Совети қабул қилган сўммаларда қуйидаги тузатишлар блан тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни Иттифоқ Советининг муҳокамасига қўйди.

Бюджет даромадлари 759,5 миллион сўм кўпайтирилсин, шу жумладан:

оборотдан олинадиган солиқ бўйича 57,0 миллион сўм,

хўжалик ташкилотларининг фойдаларидан ажратмалар бўйича 190,5 миллион сўм,

Омонат кассалари сотиб олган давлат заёмлари бўйича 500,0 миллион сўм,

бошқа даромадлар бўйича 12,0 миллион сўм кўпайтирилсин.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сотиш планини ошириш имкониятлари борлиги аниқланганлиги муносабати блан СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги бўйича оборотдан олинадиган солиқ юзасидан тузатиш киритиш таклиф этилади.

Фойдалардан олинадиган ажратмалар юзасидан тузатишлар СССР Давлат банки бўйича 100 миллион сўм миқдоридаги ва Давлат страхованиеси бўйича 90,5 миллион сўм миқдоридаги ҳисоблар аниқланиши муносабати блан киритилади.

Бюджет комиссияси ҳисобларни аниқлаш тартибида СССР Тайёрлаш министрлиги бўйича капитал ишлар учун чиқариладиган маблағларни 36,7 миллион сўм миқдорида камайтириш ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бўйича маблағ чиқаришни худди шу миқдорда кўпайтириш мумкин деб, ҳисоблайди.

Бюджет комиссияси айрим иттифоқчи республикаларнинг қўшимча маблағлар ажратиш тўғрисидаги илтимосларини ҳам қараб чиқди ва иттифоқчи республикаларнинг бюджетлари бўйича чиқариладиган маблағни 108 миллион сўм ошириш тўғрисида таклиф киритади, жумладан:

Халқ маорифи ва маданий-оқартув ишларига: Ўзбекистон ССР бўйича 8 миллион сўм, Озарбайжон ССР бўйича 7 миллион сўм, Молдавия ССР бўйича 10 миллион сўм, Қирғизистон ССР бўйича 4 миллион сўм, Тожикистон ССР бўйича 9 миллион сўм, Арманистон ССР бўйича 3 миллион сўм;

соғлиқни сақлаш ишларига: Ўзбекистон ССР бўйича 13 миллион сўм, Озарбайжон ССР бўйича 3 миллион сўм;

маҳаллий Советларнинг уй-жой фондини ремонт қилишга: Белоруссия ССР бўйича 15 миллион сўм, Ўзбекистон ССР бўйича 20 миллион сўм, Тожикистон ССР бўйича 3 миллион сўм, Арманистон ССР бўйича 1 миллион сўм;

йўлларни ремонт қилиш ва сақлашга: Қозоғистон ССР бўйича 12 миллион сўм ошириш тўғрисида таклиф киритади.

Бюджет комиссияси томонидан тақдим этилган тузатишлар СССР Давлат бюджетини даромадлар бўйича 759,5 миллион сўм ва харажатлар бўйича 108 миллион сўм оширади. Қўшимча равишда аниқланган 651,5 миллион сўмлик ресурсни Давлат бюджетидаги даромадларни харажатлардан кўпайтириш учун бериш таклиф этилади.

Депутат ўртоқлар! 1954 йилги Давлат бюджетини муваффақиятли бажариш учун халқ хўжалигидаги барча тормоқларнинг ишларини янада яхшилаш, ҳарбир корхонанинг ишлабчиқариш планини ва меҳнат унумини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ҳамда сифатини яхшилаш юзасидан берилган топшириқларни бажариш талаб этилади. Меҳнат унумини системали суратда ошираборишсоциалистик Ватанимиз халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир. Бизнинг мамлакатимизда янги кучли техникани жорий қилиш, ишлабчиқариш процессларини механизациялаш ва электрлаштириш асосида ишчиларнинг меҳнатини енгиллаштириш, ишлабчиқаришни яхши уюштириш асосида меҳнат унуми оширилмоқда.

Ватанимиз пойтахти Москва шаҳри ва Москва областидаги илғор корхоналарнинг ўз шонли традицияларига содиқ бўлиб қолган меҳнаткашлари меҳнат унумини ошириш учун, 1954 йилги давлат планини барча миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ ҳаракатининг яна ташаббускори бўлдилар.

Саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт, колхоз, совхоз ва машина-трактор станцияларининг меҳнаткашлари ватанпарварларнинг ана шу ташаббусига қўшилдилар. Мамлакатимиздаги кўпгина жуда йирик корхоналар меҳнат унумини ошириш юзасидан берилган топшириқларни тўла ва ошириб бажармоқдалар, маҳсулотнинг таннархини камайтирмоқдалар ва ишлабчиқаришнинг рентабеллигини оширмоқдалар. СССР Машинасозлик министрлигига қарашли Харьковдаги Оржоникидзе номли трактор заводи 1953 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш планини 105,5 процент бажарди, меҳнат унуми юзасидан берилган топшириқ 4 процент ошириб бажарилди, маҳсулотнинг таннархини камайтириш йўли блан пландан ташқари салкам 17 миллион сўм тежалди. Ана шу министрликка қарашли Горькийдаги фрезер станоклари заводида меҳнат унуми юзасидан берилган топшириқ 106,1 процент бажарилди, маҳсулотнинг таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқ ошириб бажарилди. Бунинг натижасида пландан ташқари салкам 4 миллион сўм жамғарма тўпланди.

Аммо, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бирқанча корхоналарда машина ва механизмлардан яхши фойдаланилмаётганлиги, меҳнат ва ишлабчиқаришни уюштиришдаги камчиликлар орқасида меҳнат унумини ошириш планлари ҳали ҳам бажарилмаётир. Масалан, СССР Қора металлургия министрлигига қарашли корхоналарда 1953 йилда меҳнат унуми юзасидан берилган топшириқ 99,3 процент, СССР Кўмир саноати министрлигига қарашли корхоналарда 97,2 процент бажарилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XIX с'ездининг бешинчи бешйиллик плани ҳақидаги директиваларида маҳсулотнинг сифатини тобора жиддий яхшилашни талаб этади. Лекин маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини кўпайтириш учун кураш ҳамма ерда ҳам хўжалик ходимларимизнинг диққат марказида турибди, деб бўлмайди. Бирқанча корхоналарда технология интизоми жиддий суратда бузилмоқда, маҳсулотнинг сифатини техника жиҳатидан контроль қилиш суст уюштирилган, ҳали ҳам паст сортли маҳсулот кўп ишлаб чиқарилмоқда. 1953 йил ноябрь ойида Главобувьторг базаларидаги пойафзалнинг сифати текшириб чиқилганида, Ереванданги учинчи фабрикада тайёрланган пойафзалнинг 44,3 проценти, Ботуми фабрикасида тайёрланган пойафзалнинг 39 проценти, Днепропетровскдаги 9-нчи фабрикада тайёрланган пойафзалнинг 41,5 проценти паст сортларга ўтказилди ёки камчиликларини тузатиш учун фабрикаларга қайтариб юборилди.

Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши натижасида давлат неча юз миллион сўмлаб зарар кўрмоқда. 1953 йилда СССР Кенг исте'мол моллари саноати министрлигига қарашли корхоналарнинг бир ўзидагина 74 миллион сўмдан ортиқ зарар кўрилди.

1954 йилда маҳсулотнинг таннархини тобора камайтириш кўзда тутилади. Бу эса, хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг зиммасига иқтисодий тежашга риоя қилиш учун, ишлабчиқариш харажатларини камайтириш, корхоналарнинг рентабельлигини ошириш учун курашни кучайтириш мажбуриятини юклайди. Ҳолбуки ана шу муҳим масалага ҳамма ерда ҳам тегишинча э'тибор берилаётир, деб бўлмайди. Масалан, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли корхоналарда маҳсулот ишлабчиқариш планининг бажарилмаганлиги ва ўринсиз харажатларга йўл қўйилганлиги натижасида маҳсулотнинг таннархи планда кўрсатилганидан 257,9 миллион сўм ошиб кетган.

Қурилиш ташкилотлари олдида ғоят жиддий вазифалар турибди. Бу ташкилотларнинг кўплари қурилиш планларини бажармаётирлар, қурилиш ишларининг сифатини яхшилаш ва бу ишларнинг қимматини пасайтириш учун мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланмаётирлар. СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги 1953 йилда қурилиш-монтаж ишлари планини атиги 84,1 процент бажарди, қурилишларни ишга тушириш планини эса 69,3 процент бажарди. Бу министрликнинг қурилиш планини тўла бажармай қолганига кўп жиҳатдан сабаб шуки, қурилиш-монтаж ишлари қониқарсиз уюштирилди, қурилиш механизмларидан етарли даражада фойдаланилмади, қурилишлар техника ҳужжатлари блан ўз вақтида та'минланмади. Қанд саноатида бутун капитал қурилишнинг 23 процентини ташкил этган қурилиш об'ектлари 1953 йил 1 октябрьгача проект-смета ҳужжатлари блан та'минланмади.

СССР Қурилиш министрлигига қарашли кўпгина қурилиш ташкилотлари капитал қурилиш ишлари планларини қониқарсиз бажармоқдалар. Кўпгина қурилишларда ишларнинг яхши уюштирилмаслиги натижасида иш вақтини бекорга сарф қилиш, иш нормаларини бажармаслик ва ишчилар ўртасида қўнимсизлик каби ҳоллар юз берди. Планда қурилиш ишларининг қимматини камайтириш мўлжалланган ҳолда, бу ишларнинг қимматлашувига йўл қўйилди.

Ба'зи министрликлар қурилишда типовой проектлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилмаётирлар. 1953 йилда саноат қурилиши умумий ҳажмининг фақат 12 процентигина типовой проектларга мувофиқ олиб борилди. Кенг исте'мол моллари саноати, химия саноати ва машинасозлик министрликларига қарашли қурилишларда типовой проектларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш жуда қониқарсиз олиб борилди.

Ба'зи министрликлар касалхона ва болалар муассасаларини қуриш соҳасидаги ишларни кўнгилдагидек олиб бормаётирлар. Ўтган йили СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги танқид қилинган эди. Бу министрлик касалхоналар қуриш планини бажармаган эди. Шу министрлик 1953 йилда шифохоналар қуриш планини ҳам атиги 66,5 процент бажарди. Собиқ СССР Металлургия саноати министрлиги ҳам ана шундай муассасаларнинг қурилишини та'минламади ва 1953 йилда қурилиш программасини 69,7 процент бажарди. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва унинг жойлардаги органлари шифохоналар қуриш ишлари қандай бораётганлигини тегишинча контроль қилмаётирлар.

Хўжалик ташкилотларининг кўпгина раҳбарлари уй-жой қурилишига етарли даражада э'тибор бермаётирлар. СССР Нефть саноати министрлиги 1953 йилда 170 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойни фойдаланиш учун топшириш планини бажармади. СССР Кенг исте'мол моллари саноати министрлиги уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини атиги 85,3 процент, СССР Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги 73,4 процент бажарди.

Министрликлар ва корхоналарнинг раҳбарлари уй-жой қурилишидаги қолоқликни тугатиш учун бутун чораларни кўришлари керак.

1953 йилда СССР Денгиз ва дар'ё флоти министрлигининг ишида жиддий камчиликлар бўлди. Бирқанча дар'ё пароходчиликлари юк ташиш планини бажармадилар, ҳавзаларнинг анчагина қисмида флотнинг кўп бекор туришига йўл қўйилди, дар'ё портларида механизмлардан атиги 27 процент фойдаланилди, ўзиюрмас кемаларни шатакка олиш йўли блан юргизишдаги прогрессив усул суст қўлланилди. Бу усул юкларни тез етказиб беришни ва юк ташишнинг таннархини камайтиришни та'мин этади.

СССР Денгиз ва дар'ё флоти министрлиги ва унинг ихтиёридаги дар'ё пароходчиликлари юкларни ташиш миқдори ва ташиш шароитини суст ўрганмоқдалар, сув магистральларида юк оборотини ошириш, юкларни тезроқ етказиб бериш чораларини кўрмаётирлар. Бунинг натижасида юк жўнатувчилар айрим ҳолларда сув транспортидан эмас, балки темир йўл транспортидан фойдаланишни афзал кўрадилар. Масалан, Лисьвенский металлургия заводи илгари Сталинград ва Астрахань корхоналарига керакли оқ тунука ва руҳ югиртирилган темирни кўп миқдорда Молотов порти орқали юборар эди. Кейинги вақтларда завод юкларнинг ўз вақтида етказиб берилмаганлиги ва бузилиб қолганлиги орқасида сув йўллари орқали юк жўнатишдан воз кечди.

Флотдан ва юк ортиш-юк бўшатиш ишларида механизмлардан тўла фойдаланмаслик шунга олиб келдики, 1953 йилда кўпгина пароходчиликлар таннархи юзасидан берилган топшириқларни бажармадилар ва зарар кўрдилар. Денгиз ва дар'ё флоти министрлиги пароходчиликларга оператив раҳбарликни кучайтириши, дар'ё флотининг бутун ишларини яхши йўлга қўйиши керак.

Депутат ўртоқлар! Партия ва Ҳукумат давлат аппаратининг ишларини ва корхоналарга, ташкилотларга ҳамда муассасаларга раҳбарлик методларини яхшилаш чораларини кўраётганлиги ма'лум. Лекин шундай бўлса ҳам, ба'зи министрликлар бошқармадаги кераксиз звеноларни битириш, қоғозбозликни тугатиш, жонли, оператив раҳбарликни кучайтириш учун зарур чораларни кўрмаётирлар.

СССР Кўмир саноати министрлигига қарашли Сталино шахта қурилиши комбинати ва бу комбинат трестларининг ҳарбири техника та'миноти бўйича ўз базаларига эгадир. Сталино шаҳрининг бир ўзидагина ана шу комбинатнинг ва бу комбинатга қарашли трестларнинг еттита базаси бор. Ҳаттоки бу базаларнинг иккитаси бир қўрада жойлашган. Ортиқча базалар ва та'минот ташкилотларининг бўлиниши моддий ресурсларнинг сочиб юборилишига, ма'мурий-идора ишларида кераксиз қўшимча харажатлар қилинишига, та'минот қимматининг ошишига олиб келди.

Министрликлар ва ташкилотлар жонли, конкрет раҳбарлик қилиш ўрнига жуда кўп директива, буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва уларни жойларга юбориш блан овора бўлаётганликларини кўрсатадиган мисоллар ҳали кўп. Масалан, «Станиславлеспром» ёғоч тайёрлаш тресги 1953 йилда иттифоқ ва республика ўрмон ҳамда қоғоз саноати министрликларидан 12 мингдан ортиқ ҳархил кўрсатма, директивалар олган ёки кунига ўрта ҳисобда салкам 40 тадан кўрсатма ва директива олган. Трест ҳам леспромхозларга худди шунча миқдорда қоғоз юборган ва бунинг учун 220 минг сўмдан ортиқ пул сарф қилган. Аммо, ана шу қоғозбозликнинг хўжаликка ёрдам бераолмаслиги табиий бир ҳол эди: 1953 йилда ёғоч-тахта ташиш плани ва жамғариш юзасидан берилган топшириқ бажарилмай қолди.

Министрликлар ва ташкилотларнинг ба'зи раҳбарлари ҳукуматнинг корхоналарга жонли, оператив раҳбарликни кучайтириш тўғрисидаги кўрсатмасини янглиш тушунганлар. Улар идора аппаратини ишлабчиқаришга яқинлаштириш ўрнига корхоналарнинг мас'ул ходимларини министрликка тез-тез чақириб туриш йўлига ўтганлар, бу ходимларни узоқ вақт ишдан қолдирганлар. СССР Транспорт ва оғир машинасозлик министрлигига қарашли заводнинг директори ўртоқ Дубровский ўтган йилнинг октябрь ойидан 1954 йилнинг март ойигача министрликка беш марта чақирилган. Шу министрликка қарашли бошқа бир заводнинг директори ўртоқ Орешкин 1954 йилнинг биринчи кварталида Москвага уч марта келган ва бир ярим ой командировкада бўлган. СССР Мудофаа саноати министрлигининг чақириғи блан 1954 йилнинг биринчи кварталида завод директори ўртоқ Шмелев 35 кун, шу завод план бўлимининг бошлиғи 30 кун ва техника контроли бўлимининг бошлиғи 25 кун Москвада бўлган. (Залда жонланиш).

Министрликларнинг раҳбарлари бюджет олдида олган мажбуриятларини бажариш соҳасидаги ишларини сабот блан давом эттиришлари, давлат маблағларини ортиқча сарф қилишларга барҳам беришлари, иқтисодий тежашга қаттиқ риоя қилишлари лозим.

Бюджет комиссияси та'кидлайдики, 1953 йилда ба'зи министрликлар маҳсулотнинг таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқлар қандай бажарилганлигини тегишинча контроль қилмадилар, хўжаликда ҳарқандай ўринсиз харажатлар ва нобудгарчиликларни тугатиш учун зарур чораларни кўрмадилар. Бунинг натижасида бюджет корхона ва хўжалик ташкилотларининг фойдаларидан ажратмалар шаклида кўп маблағ ололмай қолди. Масалан, СССР Ўрмон ва қоғоз саноати министрлиги фойдалардан ажратмалар бўйича планни атиги 68 процент, СССР Кўмир саноати министрлиги 77 процент бажарди.

Министрликлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари бутун йил мобайнида ҳарбир корхонанинг рентабельлигини ошириш ва унинг фойда олиш планини бажариш учун курашишлари, 1954 йилда фойдалардан белгиланган ажратмаларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўла топширилишини та'минлашлари керак.

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, СССР Молия министрлиги ва унинг маҳаллий органлари маҳсулотнинг таннархини камайтириш, хўжалик органларининг рентабельлигини ошириш учун керакли резервларни қидириб топишга, хўжалик ташкилотлари ва бюджет муассасаларининг штат-смета интизомига риоя қилишларига етарли даражада э'тибор бермаётирлар. Узоқ муддатга қарз берадиган банклар қурилишларнинг таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилишини ва қурилишларда хўжаликнинг ички резервларидан фойдаланишни суст контроль қилмоқдалар. 1954 йилнинг молия программаси СССР Молия министрлигига ва унинг маҳаллий органларига корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотларининг экономикасига жиддий э'тибор қилиш, уларнинг бюджет олдида олган мажбуриятларининг бажарилишини та'минлаш учун ўз вақтида зарур чоралар кўриш мажбуриятини юклайди.

Депутат ўртоқлар! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига маҳкам жипслашган мамлакатимизнинг халқлари социалистик индустрияни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришдан, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини тўхтовсиз оширишдан иборат улуғвор программани муваффақиятли суратда амалга оширмоқдалар.

Ишчилар, колхозчи деҳқонлар, совет интеллигентлари фидокорона меҳнат қилиб, социалистик Ватаннинг бойлигини кўпайтирмоқдалар ва унинг қудратини мустаҳкамламоқдалар, бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилиш ишига бениҳоя катта ҳисса қўшмоқдалар.

Мамлакатимиздаги барча халқларнинг дўстлиги ва қардошлиги — Совет давлати куч-қудратининг манбаидир. Мамлакатимизнинг барча халқлари ягона оила бўлиб, зўр ишонч блан коммунистик жамият қурмоқдалар. Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги умумхалқ байрами сифатида ўтказилади. Бу эса, СССР халқларининг бирлиги ва дўстлигини очиқ-равшан ифодалаб беради.

Корхоналарда, қурилишларда, колхозларда хўжалик ва маданий қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун, 1954 йилдаги ишлабчиқариш топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа қизиб кетди. СССРнинг 1954 йилги халқ хўжалик плани ва Давлат бюджети муваффақиятли суратда бажарилади ва мамлакатимиз бу блан коммунизм сари қилаётган ғолибона ҳаракатида олға қараб янги қадам қўяди. Бунга шак-шубҳа йўқ. (Қарсаклар).

Миллатлар Советида

22 апрельда кундуз соат 4 да, Катта Кремль Саройида Миллатлар Советининг учинчи мажлиси очилди. Залда меҳмонлар кўп. **Н. А. Булганин, А. И. Микоян, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов** ўртоқлар ҳукумат ложаларида пайдо бўлганларида, залдагилар уларни давомли қарсаклар блан кутиб оладилар.

Раис столи ёнида Миллатлар Советининг Раиси **В. Т. Лацис**, Раис ўринбосарлари — депутатлар **Н. Е. Авхимович, М. М. Султонова, П. Г. Тичина, П. Т. Комаров**лар ўтирибдилар.

Сессия СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни давом эттиради.

Депутат **Н. Додхудоевга** (Тожикистон ССР) сўз берилади.

— Давлат бюджети проекти,— деди у, — партиямизнинг ленинча-сталинча миллий сиёсатини, халқларнинг дўстлигини оғишмай мустаҳкамлаш, Совет Социалистик Республикаларининг халқ хўжалиги ва маданиятини янада ривожлантириш сиёсатини ифода этади.

Депутат Додхудоев тоғлик районлар шароитида ишлаш учун керакли трактор, тиркалма ва осма машиналарни кўплаб ишлаб чиқариш тўғрисидаги масалани СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Машинасозлик министрлиги олдига қўяди.

Депутат **К. Г. Писин** Олтой ўлкасининг меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш учун қандай курашаётганликлари ҳақида гапиради. Олтой ўлкасига мамлакатнинг турли областьларидан 16 мингдан ортиқ механизатор келди.

Нотиқ ба'зи министрликлар ўлканинг кечиктирилмас эҳтиёжларини қондиришга доир амалий масалаларни суст ҳал этаётганликларини та'кидлайди. Нефть саноати министрлиги янги нефть базаларини уюштириш соҳасидаги ишларни ўз муддатида бажармади. СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ўлкада ғишт, томга ёпадиган материаллар тайёрлаш, бинокорликка керакли тош тайёрлаш ишларини кенг миқ'ёсда уюштириш ҳақида ҳукумат томонидан чиқарилган қарорни суст бажармоқда.

Бутун совет халқи каби Татаристон меҳнаткашлари ҳам, — деди депутат **М. З. Азизов** — коммунистик жамият қуриш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун муваффақиятли суратда курашмоқдалар. Колхозлар ўтган йили давлатга 1952 йилдагига нисбатан уч миллион пуд кўп ғалла топширдилар.

Депутат Азизов кўп колхозлар обоз буюмларига, парник рамларига, чорвачилик биноларини қуриш учун керакли ёғоч-тахталарга ғоят муҳтож эканлигини та'кидлайди. Лекин шунга қарамай, РСФСР Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлиги республика территориясида леспромхозни ва ёғоч буюмлар ишлайдиган комбинат қурилишини кечиктирмоқда.

Депутат **Б. Овезов** ўз нутқида Совет Туркманистонининг муваффақиятлари тўғрисида гапирди. Ўтган йили республикадаги бутун саноатнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан 90 процент ортди. Бирқанча саноат тормоқлари қурилиб ишга туширилди, янги посёлка ва шаҳарлар барпо қилинди. 1954—1955 йилларда неча ўнлаб йирик корхоналар, кўпгина уй ва бирқанча маданий-оқартув муассасалари қурилади.

Туркманистонда,— деди нотиқ,— фан, маданият ва сан'ат шу қадар тез сур'атлар блан ривожландики, капиталистик мамлакатларнинг бирортасида ҳам бундай сур'атлар ҳеччачон кўрилган эмас. Умумий еттийиллик та'лим муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда, республиканинг пойтахти Ашхабодда, область марказларида ва Туркманистон нефтьчилари шаҳри бўлган Небит-Доғда мажбурий ўнйиллик та'лим жорий қилинди.

Депутат Овезов Давлат бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни кувватлайди.

Йўллар министри депутат **Б. П. Бешчев** темир йўл транспортининг ходимлари бешинчи бешйилликнинг тўртинчи йили планини бажариш учун қандай курашаётганликлари тўғрисида сўзлайди. Ўтган йили юк ташиш таннархи 1952 йилдагига нисбатан 4,3 процент камайди. Йўлларнинг ҳаммаси юк ортиш давлат планини бажарди. Кейинги ярим йил ичида юкларни қабул қилиш учун қўшимча равишда 627 станция ташкил этилди, тез юрадиган неча ўнлаб товар поездлари қатнайбошлади.

Депутат Бешчев транспортнинг ишларида жиддий камчиликлар борлигини та'кидлаб ўтди. Темир йўл ходимлари юк ортиш планини юкларнинг ҳарбир тури бўйича бажаришга ҳали эришганлари йўқ. 1953 йилда вагонларнинг оборотини тезлатиш юзасидан берилган топшириқ бажарилмай қолди, поездлар қатнови тезлиги ҳали кўнгилдагидек эмас.

— Совет кишилари,— деди депутат **Ю. И. Палецкис** (Литва ССР),—ўз ҳукуматини ва бу ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасида кўраётган ҳамма тадбирларини аҳдиллик блан қувватламоқдалар. СССР Олий Советига ўтказилган сайлов буни ёрқин исбот этди.

Нотиқ сўзини давом эттириб, бундай деди:

— Литвада буржуазия ҳукмронлик қилган даврлар эсимиздан чиққани йўқ. 1936 йилда сеймга ўтказилган сайловда сайловчиларнинг 25—30 проценти қатнашган эди. Ана шу сеймда битта ҳам ишчи, битта ҳам меҳнаткаш деҳқон, битта ҳам меҳнаткаш интеллигент йўқ эди. Эндиликда аҳвол тамомила бошқача. Литвада СССР Олий Советига ўтказилган сайловда сайловчиларнинг 99,95 проценти қатнашди.

Депутат Палецкис Совет Литваси меҳнаткашларининг муваффақиятлари тўғрисида, уларнинг моддий фаровонлиги ва маданияти юксалаётганлиги ҳақида гапиради. Москвада шу йил март ойининг бошларида Литва адабиёти ва сан'ати декадаси ўтказилди. Бу декада,— деди нотиқ,— Литва халқининг катта муваффақиятларга эришганлигини ёрқин исбот этади. Декада Литва халқи маданиятининг улуғ байрами бўлди. Бу декада совет халқларининг дўстлигини яна бир марта яққол кўрсатди.

Депутат **С. Г. Я. Рагимов** (Озарбайжон ССР) минбарга чиқади. СССР Давлат бюджетининг умумий ҳажмида,— дейди депутат Рагимов,— иттифоқчи ва автоном республикаларнинг бюджетлари анча катта ўрин тутади. Озарбайжон ССРнинг 1954 йилги бюджети қишлоқ хўжалик ва саноат ишлабчиқаришини янада ривожлантиришни, республика аҳолисига социал ва маданий хизматни яхшилашни ва капитал қурилиш соҳасидаги катта программанинг амалга оширилишини та'мин этади. Бу йил Озарбайжон ССРдаги фақат иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда ташкилотлари бўйича капитал маблағ чиқариш 1953 йилдаги ҳақиқий сарфларга нисбатан 43,8 процент ортади.

Депутат Рагимов СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджетини Бюджет комиссияси томонидан киритилган тузатишлар блан тасдиқлаш тўғрисидаги таклифга қўшилди.

Миллатлар Советининг мажлисида депутатлардан **М. Г. Бараташвили** (Грузия ССР), **А. А. Мюрисеп** (Эстония ССР), СССР Соғлиқни сақлаш министри **М. Д. Ковригина, В. Ф. Купревич** (Белоруссия ССР) ҳам сўзладилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Мактабларда имтиҳонлар сонини камайтириш ҳақида

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг 1954 йил 15 апрельдаги «Мактабларда имтиҳонлар сонини камайтириш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўқувчиларнинг машғулотлар блан ортиқча банд бўлишини тугатиш мақсадида, 1953 — 1954 ўқув йилидан бошлаб ўзбек ва ўқиш рус тилида олиб борилмайдиган бошқа бошланғич, еттийиллик, ўрта мактабларда синфдан-синфга ўтиш, тамомлаш ва етуклик аттестати олиш учун қуйидаги фанлардан имтиҳонлар ўтказилишини белгилади:

4-нчи синфда 3 имтиҳон—она тили (ёзма), рус тили (ёзма), арифметика (ёзма).

5-нчи синфда 3 имтиҳон — она тили (ёзма), рус тили (ёзма), арифметика (оғзаки).

6-нчи синфда 4 имтиҳон — она тили (ёзма), рус тили (ёзма), арифметика (ёзма), ботаника (оғзаки, 5 ва 6-нчи синфлар учун).

7-нчи синфда 6 имтиҳон — она тили (ёзма), она тили (оғзаки), рус тили (ёзма), рус тили (оғзаки), алгебра (ёзма), география (оғзаки).

8-нчи синфда 4 имтиҳон—Ватан адабиёти (ёзма), рус адабиёти (ёзма), алгебра (ёзма), география (оғзаки).

9-нчи синфда 6 имтиҳон — Ватан адабиёти (ёзма), рус адабиёти (ёзма), янги тарих (оғзаки), алгебра (ёзма), геометрия (оғзаки), четтил (оғзаки).

10-нчи синфда 8 имтиҳон — она тили ва адабиёт (ёзма—иншо), рус тили ва адабиёти (ёзма—иншо), рус адабиёти (оғзаки — рус классик адабиётининг асосий асарлари ва совет адабиёти юзасидан), геометрия тригонометрия блан биргаликда (ёзма), алгебра (оғзаки), физика (оғзаки), химия (оғзаки), СССР тарихи (оғзаки, 8 ва 10-нчи синфлар учун).

Хотин-қизлар демократик ҳаракатининг арбоблари Андреа Андреен ва Ева Пальмернинг Тошкентда бўлишига доир

Швеция хотин-қизлари сўл союзининг раиси, Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг раисининг ўринбосари, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофоти лауреати Андреа Андреен ва Швециядаги тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг ва хотин-қизлар демократик ҳаракатининг актив арбоби Ева Пальмер бирнеча кундан буён Тошкентда меҳмондирлар.

23 апрельда Андреа Андреен ва Ева Пальмер Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Тошкент хотин-қизлари — ишлабчиқариш илғорлари, фан, адабиёт ва сан'ат арбоблари блан, шунингдек уй-рўзғор ишлари блан шуғулланувчи аёллар блан учрашдилар.

Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Маҳкамова ўзининг қисқача нутқида Ўзбекистон хотин-қизларининг коммунистик қурилишдаги актив иштироки тўғрисида сўзлаб берди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари ўртоқ Илхомова бир группа аёлларга «Қаҳрамон она», I ва II даражали «Оналик шуҳрати» орденларини, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқларини топширди.

Шаҳардаги 6-нчи касалхона хирургия бўлимининг мудири ўртоқ Эшонхўжаева ва Тошкент область, Қорасув районидаги Жданов номли колхознинг агротехниги ўртоқ Зиёева Андреа Андреенни ва Ева Пальмерни Ўзбекистон пойтахти ва Тошкент областининг хотин-қизлари номидан қизғин табрикладилар.

Самимий кутиб олинган Андреа Андреен ва Ева Пальмер нутқ сўзладилар.

Учрашувнинг охирида концерт қўйиб берилди. Бу концертда Ўзбекистон сан'атининг отоқли арбоблари қатнашдилар. (ЎзТАГ).

Кўкламги дала ишларини тез ва юқори сифатли ўтказайлик!

☆ ☆

Дзержинский номли колхоз чигит экишни тамомлади

БЕКОБОД. 23 апрель. (**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбиридан**). Дзержинский номли колхоз 2.402 гектар ерга 23 апрельда чигит экиб бўлди. Колхоз ҳарбир гектар ердан 30 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган. Колхознинг барвақт экилган 600 гектар ерида чигит бир текис униб чиқмоқда. Колхознинг Н. Баратов, А. Оллоберганов, М. Исомов, Х. Жумаев ўртоқлар бошлиқ илғор бригадаларининг чигит бир текис униб чиққан участкаларида ғўза парвариши кундан-кунга кучайтирилмоқда.

Колхозда чигитни барвақт экишда ва ерларни хайдаб беришда Бекобод МТСининг механизаторлари катта ёрдам кўрсатдилар. Колхозда МТСнинг 6 трактор бригадаси хизмат қилмоқда.

Универсальчилардан О. Бобораҳимов, И. Бойзаков, У. Тўйчиевлар 150 гектардан ерга сифатли чигит экиб, мавсум топшириғини бирярим ҳиссадан бажардилар.

Ҳозир колхозда ҳамма майдонлардаги чигитни бир текис ундириб олиб, ғўза парваришини кучайтириш учун барча куч ва имкониятлар дала ишларига сафарбар қилинмоқда.

Беда ўрими бошланди

ЧИНОЗ (ЎзТАГ). Ўзбекистонда илғор бўлган 4-нчи «Вревский» насилчилик совхозида кеча беда ўримига киришилди.

Совхознинг далачилик бригадалари йил сайин бедадан мўл ҳосил олмоқдалар. Улар биринчи йилда беда уруғини сули блан аралаштириб ва уруғ нормасини ошириб экиш ҳисобига пичан ҳосилини анча кўпайтирмоқдалар.

Совхознинг беда етиштиручилари бу йил 16 ўрим ўтказиш, бутун майдонда пичандан мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

КОЛХОЗЧИЛАР ҚУРТ БОҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚУРМОДАЛАР

ОҚҚЎРҒОН. (ЎзТАГ). Район пилла-чилари бу йил ҳар қути қурт уруғидан ўтган йилдагига қараганда 5,5 килограмм кўпроқ пилла олиш учун курашмоқдалар. Барча колхозларда қурт боқиш учун қуртхоналар тайёрланмоқда. 4 та янги типовой қуртхона ишга туширилди. Колхозчилар сўкчаклар хозирлаб, печьларни ремонт қилиб қўяётирлар.

Районда жамоат пиллачилиги учун тут барги базаси кенгайтирилмоқда. Қишлоқ комсомолларининг ташаббуси блан колхозларда йўл ва ариқ бўйларига бу йил 50 минг тупдан кўпроқ тут кўчатлари ўтказилди.

Оққўрғон районидаги Сталин номли колхознинг биринчи бригадасида трактор чи ўртоқ **Ҳ. Холтўраев** ва сеялкачи ўртоқ **Х. Ўтаев**лар чигитни а'ло сифатда экмоқдалар. Тошкент Қишлоқ хўжалик институтидан ишлабчиқариш практикасига борган студент **Т. Пўлатов**, биринчи бригада бошлиғи **Т. Шеров** ўртоқлар чигит экиш сифатини текширмоқдалар.

М. Шевелев фотоси.

Ғўза парвариши бошланди

Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТС механизаторлари зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилиб ўзлари хизмат қилаётган колхозларнинг ҳамма ерларига чигит экиб бўлдилар. МТС зонасидаги Охунбобоев номли, «Ҳақиқат» колхозлари чигит экишни белгиланган муддатларда ва юқори сифатли ўтказдилар. Шу кунларда чигитни бир текисда ундириб олиш учун қизғин иш бораётир.

МТС механизаторлари агротехникининг янги, прогрессив методини қўлланиб пландаги 1800 гектар ўрнига 2300 гектар майдонга торайтирилган усулда чигит экдилар. Ҳозирги пайтда МТС зонасидаги янгидан ўзлаштирилган ерларга чигит экиш қизғин давом этдирилмоқда. Бу йил қўшимча равишда 450 гектар ерга чигит экилади.

Механизаторлар ва колхозчилар Майолди социалистик мусобақасига қўшилиб, барча майдонларда чигитни тезроқ ва бир текисда ундириб олиш учун курашаётирлар. Илғор бригада ва звеноларнинг а'золари ғўзанинг дастлабки парваришини 1 Майгача тугаллаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Охунбобоев номли колхознинг Назаров, Саидова ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўзаларнинг таги сифатли юмшатилмоқда. «Ҳақиқат» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Холматов дастлабки ғўза парвариши 1 Майгача тугалланажагини айтди.

Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТС коллективи қўлга киритилган дастлабки муваффақиятни янада мустаҳкамлаб ғўзага ишлов бериш даврида ҳам колхозлар блан тузилган шартномада кўрсатилганидек, барча ишларни ўз вақтида ва юқори сифатли бажариш мажбуриятини олди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 23 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш	Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш
Қуйичирчиқ	100,0	8,5	Ўртачирчиқ	70,5	6,4
Калинин	95,8	6,1	Ховос	68,5	4,5
Сирдар'ё	90,1	2,1	Бўка	64,8	4,9
Чиноз	88,6	4,2	Юқоричирчиқ	58,9	5,3
Оржоникидзе	87,8	5,2	Мирзачўл	58,2	4,7
Оққўрғон	87,1	4,5	Пискент	51,7	5,3
Гулистон	86,7	4,6	Оҳангарон	41,0	4,0
Бекобод	79,4	4,6	Паркент	35,5	6,0
Верхне-волинск	78,5	7,3			
Янгийўл	78,2	5,5	Область бўйича	74,6	5,0
Ўртасарой	78,1	5,7	Шу жумладан совхозлар бўйича:	80,1	4,9
Октябрь	74,1	5,6			

Янгийўл районида кўклам дала ишлари олинган ва'даларга муносиб бормаётир

Кўклам дала ишларининг дастлабки кунларидаёқ ишни пухта ташкил қилган колхозлар, бригадаларда ерни экишга тайёрлаш ва чигит экиш сур'ати тезлашди, сифати яхшиланди. Трактор паркидан унумли фойдаланиш натижасида ҳарбир гектар ерга чигит экиб олинди. Бу ўринда Маленков номли колхознинг пахтачилик бригадаларида қилинаётган ишлар намуналидир.

Нов қишлоқ советидаги Сталин номли йирик колхознинг а'золари ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришда бой тажрибага эгадирлар. Бу ерда кўклам давридаги табиий қийинчиликларни енгиш, чигитни яхши ишланган ерларга сифатли қилиб экиб олиш учун бутун куч ва имкониятлар сафарбар қилинди. 1119 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган колхозчилар шунга яраша астойдил меҳнат қилмоқдалар. Колхозчилар пайкалларнинг бурчакларига, ўқариқларга тўла чигит экиб олиш блан шуғулланмоқдалар.

ЧИГИТ ЭКИЛДИ-Ю, ИШ БИТДИМИ..

Шу кунларда партия, совет ташкилотларининг раҳбар ходимларини, МТС мутахассисларини колхозларда кўп учратасиз. Ҳамма раҳбарларнинг топшириқлари бирхил мазмунда бўлади:

— Ерни ҳайданглар, трактор тўхтамай ишласин, чигитни тезроқ экинглар, об-ҳаво ғанимат...

Аммо чигит экиб қўйилган каттагина майдон район раҳбарларининг эсларидан чиқиб қолмоқда. 23 апрельгача район бўйича 78 процентдан ошиқроқ ерга чигит экиб бўлинди. Районда ҳам, МТС ва колхозларда ҳам кўпгина раҳбар ўртоқлар чигит экилди-ю, иш битди, вазифа бажарилди, деб ўйлайдилар. Шунинг натижасида дала ишларини уюштиришда ишчи кучи, трактор парки ва бошқа воситалардан фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Ленин номли колхоз (раиси ўртоқ О. Қўчқоров) районда эмас, областьдаги йирик қишлоқ хўжалик артельларидан биридир. Колхоз жуда катта пахта майдонига эга. 1800 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбурияти олинган. Лекин, дала ишларини олиб боришда, кўклам фаслида агротехника талабларини тўғри амалга ошириш бу колхозда ҳам камчиликлар кўп.

Ишчи кучидан тўғри фойдаланиш жуда муҳимдир. Ҳозир колхозда чигит экиш тугалланай деб қолди. Аммо ҳамма бригадаларнинг а'золари бирнеча ерда уюшиб чигит экаётган бригада а'золарига ёрдам бераётирлар. Чигит экиб бўлган бригада ва звеноларда ғўзалар униб чиқабошлади. Шундай бўлишига қарамай ер четлари экилмай қолган, ўқариқлар олинмаган жойлар кўп. Қатқалоққа қарши кураш, чигитни тезроқ ердан ундириб олиш блан банд бўлган колхозчиларни онда-сонда кўрасиз. Ба'зи бригадаларда эса ўз ерида битта ҳам колхозчи ишламаётир. Меҳнатнинг ана шундай нотўғри уюштирилгани туфайли чигит экиш блан ғўза парвариши ўртасида узилиш бўлиб қолмоқда.

Бундай аҳволлар ўртоқ Шораҳмедов раис бўлган Свердлов номли колхозда ҳам учрайди. Далачилик ишини уюштиришда оперативчилик, агротехника талабларига тўла риоя қилиш жуда муҳимдир. Бу ерда ҳам ба'зи бригадаларни мустасно қилганда барча колхозчилар ер тайёрлаш ва чигит экиш блан банд.

Колхознинг чигит экишга барвақт киришган бригада ва звеноларида қатқалоққа қарши кураш ва ер чеккаларига чигит экиб олишдек муҳим ишга эҳтиёж ажратилмаган.

МТС агрономлари эса бундай муҳим агротехника талабларини амалга оширишга бефарқ қарамоқдалар. Бундай фактларни райондаги бошқа колхозларда ҳам учратасиз. Жданов номли, Фрунзе номли колхоз далаларида ҳам шундай аҳволлар содир бўлмоқда. Аммо, МТСнинг агрономлари Сулаймонов ва Журба ўртоқлар колхозларда тез-тез бўладилар-у, чигит экиш тўғрисидаги сводкалар блан «қизиқадилар», холос.

ТРАКТОР ПАРКИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛМАЁТИР

Хрушчев номли колхоз районда қолоқ ва кам ҳосилли колхоз ҳисобланади. Бу йилги кўклам дала ишлари ҳам дуруст бораётир деб бўлмайди. 417 гектар майдон ҳали чигит экишга ҳам тайёрланганги йўқ. Ваҳоланки, колхоз ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган. 1-нчи МТСнинг раҳбарлари бу колхозга ҳар жиҳатдан амалий ёрдам бериш ўрнига, трактор бригадалари ишини пухта ташкил қилмаётирлар.

Колхоз даласида 10 га яқин трактор ишлаши керак. Лекин техника назоратининг ўз вақтида бўлмаслиги ва трактор ремонтининг сифатсиз ўтказилганлиги сабабли бригададаги тракторлар арзимаган сабаблар блан ишламай тўхтаб қолмоқда. Айниқса «Универсал» тракторлар тез-тез бузилиб туради. Масалан, 18 апрельда 3 та «Универсал» блан 16 гектар ерга чигит экилди, холос. Кўпгина универсалчилар сменада 4—5 гектар ерга чигит экиб, ўз нормаларининг ярмисини ҳам бажармаётирлар.

Бундай аҳволлар ер ҳайдаш блан банд бўлган трактор ишида ҳам содир бўлмоқда. Масалан, 2 та «ДТ—54» ва 1 та «НАТИ» трактори блан иш бошлагандан бери бирор кун ҳам норма бажарилган эмас.

Мана шу аҳволлар натижасида 19 апрель куни ер ҳайдаш ва чигит экиш юзасидан берилган график 40 процент ҳам бажарилмади. 1-нчи МТСнинг бош инженери ўртоқ Макаров бу колхозда бўлиб, содир бўлаётган аҳволлар блан нари-бери танишиб, ишни яхшилаш учун амалий ёрдам бермай шошилиб, қўшни колхозга ўтиб кетди.

Юқоридаги фактлар 2-нчи МТС зонасидаги колхозларда ҳам учрайди. Ҳайдов тракторларининг унумсиз ишлаши чигит экишнинг кечикишига асосий сабабдир. 2-нчи МТС зонасидаги колхозлар даласида ишлаётган тракторларнинг 39 таси ер ҳайдаш блан банд. Улар кучи блан 19 апрель куни фақат 216 гектар ер ҳайдалди. Бу МТС даги тракторлар блан бир кунда 672 гектар ер ҳайдаш ва чигит экиш учун имконият бор. Бироқ ана шу зўр кучдан талабга мувофиқ фойдаланилмаётир.

Район партия комитетининг секретари С. Мусаев, район ижроия комитетининг раиси У. Мусаев ўртоқлар ҳар куни колхозма-колхоз юрадилар, далада бўладилар, колхоз раҳбарларига топшириқлар берадилар. Аммо ишда айтарлик ўзгариш бўлмайди. Раҳбарлар тракторларнинг тунги ишларини текшириб чиқиб, «бугун иш дуруст бўлади» деб кутган кунлари, фақат 495 гектар ерга чигит экилди. Бу белгиланган графикнинг 40 процентидан ҳам кам.

Янгийўл районида шу кунларда бораётган иш олинган катта мажбуриятга муносиб эмас. Чигит экишни қисқа муддатда тугаллаш ва ҳамма майдонда уни тўла ундириб олиш учун бутун имкониятлар мавжуд. Энди ҳамма гап бор воситалардан, техникадан, ишчи кучидан тўғри фойдаланиб, ишни пухта ташкил қилишда қолган.

Т. НИШОНБОЕВ,
И. АХМЕДОВ,
Т. ОРИПОВ.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Янгийўл» газеталарининг рейдбригадаси.

СССР Олий Совети Президиуми уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисида 1949 йил 12 августда тузилган Жанва Конвенцияларини тасдиқлади

СССР Олий Совети Президиуми уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Жанва Конвенцияларини тасдиқлади. Бу Конвенциялар 1949 йилда Жанва Конференциясида ишлаб чиқилган ва 1949 йил 12 декабрьда СССР вакили томонидан имзоланган эди. Бу Конвенциялар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳаракатдаги армиялардаги ярадорлар ва касалларнинг қисматини яхшилаш тўғрисидаги Конвенция;

2. Денгиздаги қуролли кучлар составидаги ярадорлар, касалларнинг ва кемалар ҳалокатига учраган кишиларнинг қисматини яхшилаш тўғрисидаги Конвенция;

3. Ҳарбий асирлар блан муомала қилиш тўғрисидаги Конвенция;

4. Уруш вақтида граждан аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция.

Корея Халқ-Демократик Республикаси Олий халқ мажлисининг VII сессияси

КХДР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учйиллик плани тўғрисида Пак Чан Окнинг доклади

ПХЕНЬЯН, 22 апрель. (ТАСС). Корея Халқ-Демократик Республикаси (КХДР) Олий халқ мажлисининг еттинчи сессиясида КХДР министрлар кабинети раисининг ўринбосари ва Госплан раиси Пак Чан Ок «1954—1956 йилларда КХДР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учйиллик плани тўғрисида» доклад қилди.

Пак Чан Ок докладнинг кириш қисмида та'кидлаб ўтдики, уруш Корея Халқ-Демократик Республикасининг экономикасига ғоят катта зарар етказди. Тўла бўлмаган ма'лумотларга кўра бу зарар 420 миллиард вондан кўпроқдир. 8.700 дан зиёд корхона бинолари, 600 минг уй-жой бинолари, 5 минг мактаб, бир минг касалхона ва амбулаториялар, 263 театр ва кинотеатр, мингларча бошқа маданий-маиший хизмат муассасалари вайрон қилинди. Уруш вақтида кўп жойлар вайрон бўлганлиги натижасида давлат ва кооператив корхоналарининг ялпи маҳсулоти 1953 йилда урушдан илгариги даражага нисбатан 40 процентдан ҳам зиёд камайди. Ёқилғи, металлургия, химия, энергетика саноати, балиқ овлаш ва бинокорлик материаллари саноати каби тармоқлар айниқса катта зарар кўрди. Саноатнинг бу тармоқларида ялпи маҳсулот 66—93 процент камайди.

Мамлакатнинг қишлоқ хўжалигига катта зарар етказилди. 1953 йилда қорамоллар сони 1949 йилдаги даражанинг 64 процентинигина ташкил этди. Анча кўп ер майдонларини сув блан та'минлаб турган ирригация иншоатлари вайрон қилинди. Транспорт ғаят катта зарар кўрди.

Уруш, деди сўнгра Пак Чан Ок, бизнинг халқимиз учун энг оғир синов бўлди ва халқ томонидан қурилган халқ—демократик давлатнинг мустаҳкамлигини ҳартарафлама текшириш бўлди. Республиканинг халқ-демократик тузуми урушнинг оғир синовларига шараф блан бардош берди.

Уруш ҳаракатлари тўхтатилгандан кейин КХДР меҳнаткашлари вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашга киришдилар.

СССР, Хитой Халқ Республикаси, халқ демократияси мамлакатлари, деди сўнгра Пак Чан Ок, халқимизга халқ хўжалигини тиклашда астойдил ёрдам бермоқдалар. Ишонч блан айтиш мумкинки, улуғ Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва халқ демократияси мамлакатларининг ҳартомонлама ёрдами туфайли биз мамлакатимизнинг халқ хўжалигини, я'ни учйиллик уруш даврида вайрон қилинган халқ хўжалигини муваффақият блан тиклайоламиз ва уни яна юксак даражага кўтараоламиз.

КХДР халқ хўжалигининг тиклаш ва ривожлантириш учйиллик планида, кўзда тутилишича, деди сўнгра Пак Чан Ок, давлат ва кооператив саноат корхоналарининг ялпи маҳсулот ҳажми 1956 йилда 1953 йилги даражадан 2,6 баравар ҳамда 1949 йилги даражадан бир ярим баравар ортиқ бўлиши лозим. 1956 йилда кўмир, кокс, чўян, прокат, цемент, шифер, ёғоч материаллар, қоғоз ишлаб чиқариш бўйича урушдан илгариги 1949 йилги даражага эришилади ва бу даражадан ўзиб кетилади. Кон-руда ускуналари ишлаб чиқариш 1949 йилдагига нисбатан 24 баравар, металл ишлаш станоклари ишлаб чиқариш 62,5 баравар, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш 16,5 баравар, ғишт ишлаб чиқариш 16 баравар, ип-газламалар ишлаб чиқариш 5,1 баравар, резин пойафзал ишлаб чиқариш уч баравар кўпаяди ва ҳоказо.

1956 йилнинг охиригача барча асосий гидроэлектростанцияларни ва электр линияларини тиклаш мўлжалланади, электростанцияларининг умумий, қуввати 1 миллион 350 минг киловатта, я'ни таҳминан урушдан илгариги 1949 йилги даражага етказилади. Кўмир чиқариш 4 миллион тоннагача кўпаяди ёки 1949 йилги даражага етади.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари блан, енгил ва озиқ-овқат саноатини эса хомаш'ё блан тўла та'минлаш мақсадида планда республика қишлоқ хўжалигини анча ривожлантириш кўзда тутилади. Уч йил мобайнида шолининг ялпи ҳосили 31 процент, бошқа дон экинларининг ялпи ҳосили 41 процент, сабзавот экинларининг ялпи ҳосили 3,4 баравар, пахтанинг ялпи ҳосили таҳминан 2,4 баравар, тамакининг ялпи ҳосили 5,7 баравар кўпайтирилиши лозим. Шу давр ичида кўп ирригация иншоатлари тикланади ёки янгидан қурилади, техника экинлари майдони анча кенгайтирилади. Уч йил мобайнида қорамоллар сони 38 процент, чўчқалар сони 72 процент, қўй ва эчкилар сони 2 баравар кўпайиши лозим. Қонун проекти дала ишларини механизациялаш ҳажмини кенгайтириш учун учйиллик планда тракторлар ва машина-прокат станциялари сонининг кўпайтирилишини, мавжуд машина-прокат станцияларининг ишларини яхшилашни кўзда тутади.

Учйиллик план проекти юк ва пассажир ташишнинг анча кўпайтирилишини, денгиз ва дар'ё транспортининг, автомобиль транспортининг ва алоқанинг тикланишини ҳам кўзда тутади.

Ишлабчиқаришни кенгайтириш, шунингдек меҳнат унумини ошириш асосида, деди Пак Чан Ок, 1956 йилда халқ даромади 1949 йилдагига нисбатан 30 процент ва 1953 йилдагига нисбатан таҳминан 75 процент ортади. 1956 йилда аҳолига озиқ-овқат ва саноат моллари сотишни анча кўпайтириш кўзда тутилади.

БУТУНВЕНГРИЯ ТИНЧЛИК ҚЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

БУДАПЕШТ, 22 апрель. (ТАСС). Кеча Будапештда Умумхалқ тинчлик ҳаракатининг 5 йиллиги муносабати блан Бутунвенгрия тинчлик кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Бутунвенгрия тинчлик кенгашининг а'зоси Дьердь Парраги доклад қилди.

Докладчи ва ишчилар, деҳқонлар, интеллигенция ҳамда руҳонийларнинг музокараларда сўзга чиққан вакиллари одамларни кўплаб қирадиган қуролларнинг тақиқланишини қат'ий талаб этдилар ва ғарбий давлатларнинг урушга тайёргарлик кўриш сиёсатини қораладилар. Улар Венгрия ҳукуматининг «Европада коллектив хавфсизлик тўғрисида умумевропа шартномаси» ҳақидаги совет проектини қўллаб-қувватлаб берган баёнотига бирдамлик баён қилдилар.

Бутунвенгрия тинчлик кенгаши мажлис охирида венгер халқига қарата якдиллик блан хитобнома қабул қилди. Хитобномада Жанва кенгаши тинчлик учун курашда самарали бўлиб чиқади, деб умид билдирилади. Бутунвенгрия тинчлик кенгаши Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг Венада бўлиб ўтган сўнгги мажлисида қабул қилинган ҳужжатларни ма'қуллайди, ҳамда венгер халқи учун ҳам жуда хавфли бўлган «Европа мудофаа бирлашмаси»га қарши, Венгрияни икки марта урушга тортган герман милитаризмининг янгидан вужудга келтирилишига қарши норозилик билдиради.

Биз ўз ҳукуматимиз блан биргаликда, дейилади хитобномада, Европадаги барча давлатларнинг коллектив хавфсизлигини ташкил этиш учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун курашамиз.

Одамларни кўплаб қириш қуролларини тақиқлаш учун Уругвай Тинчлик миллий кенгашининг мажлиси

МОНТЕВИДЕО, 22 апрель. (ТАСС). Бу ерда Уругвай Тинчлик миллий кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда атом қуроли тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Тинчлик миллий кенгаши атом ва термоядро қуролларининг тақиқланишини қат'ий равишда талаб қилди. Атом термоядро қуролларини ва одамларни кўплаб қирадиган бошқа хил қуролларни тақиқлаш тўғрисида Тинчлик миллий кенгаши томонидан чиқариладиган мурожаатномага имзо тўплаш юзасидан бутун мамлакатда кампания бошлаб юборишга қарор қилинди.

ҲИНДИСТОН БОШ МИНИСТРИ НЕРУНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ БАЁНОТИ

ДЕҲЛИ, 22 апрель. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Деҳлидан хабар беришича, депутат Сундарайя штатлар кенгашида сўзга чиқиб, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Ҳинди — Хитойга Француз қўшинларини ташимоқчи бўлганликлари ҳақида матбуотда чиққан хабарларга ҳукуматнинг э'тиборини жалб қилган. «У Америка самолётлари Ҳиндистон территориясининг чегарасини бузишлари ёки унинг территорияси устидан учиб ўтишлари жуда эҳтимол» деган. У, ҳукумат қандай тадбирлар кўрди ёки қандай тадбирлар кўрмоқчи, деб сўраган.

Бош министр Неру «ҳукумат ҳеч қандай тадбирлар кўргани йўқ, чунки Ҳиндистон устидан ёки Ҳиндистон орқали ҳеч қандай самолётлар учмаётир» деб жавоб берган.

Неру «Ҳиндистон ҳукуматининг сўнгги беш ёки олти йил давомидаги сиёсати ҳеч қандай четэл қўшинларининг ҳаво йўли блан, шунингдек бошқа бирор йўл блан Ҳиндистон орқали ўтишларига рухсат бермасликдан иборатдир» деб айтган.

ПАРИЖДА ДАЛЛЕС, ИДЕН ВА БИДО КЕНГАШИ

ПАРИЖ, 22 апрель. (ТАСС). Бугун Франция ташқи ишлар министрлигида Даллес, Иден ва Бидо ўртасида музокаралар бошланди.

Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Даллес, Иден ва Бидо бугун уч асосий масалани: совет ҳукуматининг 31 мартдаги нотасига уч давлатнинг жавобини, эртага Шимолий-атлантик иттифоқи кенгашининг сессиясида муҳокама қилинадиган масалаларни; Жанвада бўладиган кенгаш муносабати блан Корея ва Ҳинди-Хитой проблемаларини кўриб чиқадилар. Агентлик «Жанва кенгаши олдидан олиб борилаётган бу музокаралар алоҳида аҳамиятга эгадир» деб уқтириб ўтади.

«Монд» газетаси уч ташқи ишлар министрининг кенгашини шарҳлаб, «давлат департаменти Жанва кенгашининг натижасиз бўлиб чиқишини мўлжаллаш блангина қолмай, балки бу кенгашнинг натижасиз бўлиб чиқиши йўлларини ҳам қидирмоқда» деб ёзади.

«Пари пресс — Энтранежкан» газетасининг хабар беришига кўра, кенгашда Хитой Халқ Республикасига муносабат тўғрисидаги масала муҳокама қилинмоқда, бу масалада уч минстр ўртасида ихтилофлар борлиги аниқланган.

Албания Меҳнат партиясининг Марказий Комитети Тиранада В. И. Ленин ва И. В. Сталин музейи очишга қарор қилди

ТИРАНА, 22 апрель. (ТАСС). Газеталарнинг хабар беришича, Албания Меҳнат партияси Марказий Комитети Тиранада В. И. Ленин ва И. В. Сталин музейи очишга қарор қилган.

Музей, дейилади, ахборотда, Албания меҳнаткашларини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли тарихи блан, В. И. Ленин ва И. В. Сталиннинг ҳаёти ҳамда фаолияти блан, ленинизмнинг ўлмас идеялари блан яқшироқ таништириш ишида муҳим восита бўлиши лозим.

Корея Халқ-Демократик Республикасининг делегацияси Жанва кенгашига жўнаб кетди

Корея Халқ-Демократик Республикасининг Корея Халқ-Демократик Республикаси Ташқи ишлар министри Нам Ир бошчилигидаги делегацияси 22 апрельда Москва орқали Жанва кенгашига жўнаб кетди.

Аэродромда делегацияни СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Узоқ-Шарқ бўлимининг мудири Н. Т. Федоренко, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлимининг мудири Д. А. Жуков, Москва Совети Ранисининг Ўринбосари Н. И. Бобровников ва Москва шаҳрининг Коменданти генерал-майор И. С. Колесников кузатиб қолдилар.

Делегацияни Корея Халқ-Демократик Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва Муҳтор Элчиси Лим Хэ бошчилигида КХДР, Москвадаги Элчихонасининг дипломатия состави ҳам кузатиб қолди.

(ТАСС).

ИРОҚ ҲУКУМАТИ ИСТЕ'ФО БЕРДИ

БАЙРУТ, 22 апрель. (ТАСС). Матбуот ва радионинг хабар беришича, кеча Ироқнинг бош министри Фадил Жамолий ўз кабинетининг иста'фо бериши ҳақида король Файсалга мактуб юборган. Ҳукумат блан оппозиция ўртасида юзага келган конфликтдан кейин ҳукумат иста'фо берган.

Оппозиция кейинги вақтларда бўлган тошқин учун жавобгарликни Фадил Жамолий кабинети устига юклаб, Жамолий ҳукумати тўғонларни мустаҳкамлаш учун ўз вақтида чоралар кўрмади, деб та'кидлаб ўтган. Оппозиция Фадил Жамолий ва унинг ҳукумати ички сиёсат масалаларида ҳам, ташқи сиёсат масалаларида ҳам мағлубиятга учради, деб ҳисоблайди.

«Ориан» газетасининг кўрсатишича, оппозициянинг танқидидан кейин Фадил Жамолий король Файсалдан парламентнинг тарқатиб юборилишини талаб этган. Лекин король бу талабни рад этган ва Жамолий иста'фо беришга мажбур бўлган.

Жаҳон биринчилиги учун шахмат мусобақаси

22 апрельда П. И. Чайковский номидаги концерт залида жаҳон биринчилиги учун шахмат мусобақасининг ўнеттинчи ўйини бўлди.

31-нчи юришда гросмейстерлар ўйинни дуранг қилишга рози бўлдилар. Шундай қилиб мусобақа ҳисоби Ботвиник фойдасига 9,5: 7,5 бўлди.

Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун бўлаётган шахмат мусобақасининг навбатдаги ўнсаккизинчи ўйини 24 апрельда П. И. Чайковский номидаги концерт залида бўлади. (ТАСС).

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун кундузи Ўзбекистон областларида ҳаво ўзгариб туради. Деярлик ёғингарчилик бўлмайди. Температура 22 — 27, ба'зи жойларда эса 30 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, лекин ёғингарчилик бўлмайди. Температура 23—25 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/IV да **Алишер Навоий**, 25/IV да кундуз **Васса Железнова**, кечқурун **Отелло**.

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/IV да **Пиковая дама**, 25/IV да кундуз **Гулсара**, кечқурун **Эсмеральда**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Ёшлар коллективининг гастрольлари.** Янги аттракцион — **«Муз устида карнавал»**. Тамоша давомида — қизиқчи **Олег Попов** қатнашади. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта тамоша** кўрсатилади.

«РОДИНА», НАВОИ номли, «ИСКРА» «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги бадиий фильм **Кема командири.**

СОБИР РАҲИМОВ номли кинотеатр — **Кето ва Котэ.**

НАВОИ номли кинотеатр — кундуз **Бой ила хизматчи.**

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекодежда»нинг 10-нчи магазинида

(«Правда Востока» ва Киров кўчалари бурчаги) 27 апрельда очиш мўлжалланган

КИЙИМ-КЕЧАК

СОТИШ-ВИСТАВКАСИ

май ойига кўчирилади.

Виставканинг очилиш куни қўшимча ма'лум қилинажак.

«Ўзбекодежда».

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 135, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 137, Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 01717. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1319